Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 3 июль жума

Сотувда эркин нархда № 133 (1914)

АКС-САДО

ХОТИРА — ҲАММА НАРСАДАН АЗИЗ

Шу йил 9 май, Иккинчи жаҳон уруши тугаган кунни нишонлаш байрамида муҳтарам Президентимизнинг сўзларини телевидение орқали эшитдим. У киши урушда ҳалок бўлганларнинг ёдини абадийлаштириш ҳақида жўяли, айни маъқул гапни айтдилар. Эшитиб кўнглим тоғдай кўтарилди. Инсоннинг қадрига етиб, уни улуғлашни ният этган, шунга амал қилган кишининг мартабаси янада зиёда бўлади.

Биз уруш кўрдик, қон кечдик. Биринчи навбатда жонажон юртимиз, унинг озодлиги ва порлоқ келажаги учун жонимизни фидо айладик. Кўплаб миллатдошларимиз ҳалок бўлишди. Бугун қаторимиз сийраклашиб бораяпти. Ҳаёт абадий эмас. Бироқ менинг дилимга бир нарса таскин беради. Кейинги авлодлар шу кун — 9 майда бизни эсга олишади. Муҳими, бу куннинг Хотира кунига айлантирилиши.

Хотира — ҳамма нарсадан азиз. Халқимизнинг ўзига хос одати — кетганларни ёд олиш, уларни иззатлаш, руҳи-поки олдида тиловат қилиш. Бу эзгу ишдир. Шу боиски, бу ишга бош-қош бўлган Президентимизнинг боши тошдан бўлсин. Халқнинг иззатида юрсинлар.

Яқинда «Халқ сўзи» газетасида худди шу хусусда «Хотира халқни бирлаштиради» деган мақолани ўқидим. Юртбошимизнинг ҳар бир сўзи, яхши нияти амалга ошишига имон келтирдим. Бизни ҳурмат қилганларни Аллоҳ асрасин. Ўз боболари ҳурматини улуғлаб, ортидан чироғини ёқадиган авлодлар бахтига юртимизда тинчлик бўлсин. Ҳеч қачон ёмон кунларни кўрмасинлар.

Мен ушбу гапларни кўнглимда таскин, миннатдорлик билан ёзаяпман. Чунки инсон хотираси билан улуғдир. Хотираси улуғланган кишилар эса ҳамиша тирикдирлар.

Рустамали НОРТИЛЛАЕВ.
Чуст тумани, Олмос қишлоғи.

"Ғалла-98"

БУХОРОЛИК ҒАЛЛАКОРЛАР ЗАФАРИ

Бухоро вилояти деҳқонлари давлатга ғалла топшириш режасини бажардилар. 60 минг гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан ўртача 30 центнердан ҳосил етиштирилди. Давлат хирмонларига 114 минг 500 тоннадан зиёд сара дон етказиб берилди.

Эришилган меҳнат зафарига Қоровулбозор, Пешку, Жондор, Шофиркон туманлари ғаллакорлари салмоқли ҳисса қўшишди.

Пешку туманидаги Ибн Сино номли, Шофиркон туманидаги "Бухоро", Шароф Рашидов номли, Бухоро туманидаги "Маданият", Вобкент туманидаги ал-Бухорий номли жамоа хўжаликлари ҳар гектар ердан 41-46 центнердан ҳосил олдилар.

Вобкентлик Сайфулла Жумаев, Муртазо Кулонов, пешкулик Эркин Носиров, Раҳмат Примов, шофирконлик Олим Ашуров сингари оилавий пудратчилар 55-69 центнердан дон етиштиришга эришдилар.

Вилоятда ғалла ўрим-йиғими уюшқоқлик билан давом этмоқда. Ғаллакорлар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга яна 10 минг тонна дон топширишга қарор қилдилар.

ДЕҲҚОНЛАР КЕНГАШИ

Учкўприк туманидаги М.Деҳқонов номли ширкатлар уюшмасида Фарғона вилояти қишлоқ хўжалиги мажмуи ходимларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислом Каримов Андижон ва Фарғона вилоятлари деҳқонлари билан учрашувларда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, соҳага оид янги қонунларни амалда татбиқ этиш, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш борасида ўртага қўйган вазифалар муҳокама этилди.

Семинарда ғаллани қисқа муддатда ўриб-йиғиб олиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Кенгашда вилоят ҳокими Н. Мўминов сўзга чиқди.

Р. КАМОЛОВ,
Илҳом САФАР,
ЎзА мухбирлари.





Сиёсатшуносларда бир гап бор. Улар эртасини ўйлаган давлат ҳеч қачон фақат бугуни билан яшамайди, дейдилар. Бу гапда чиндан ҳам катта ҳақиқат мужассам: чунки эртасини ўйлаган мамлакатнинг юзи ёруғ, келажаги буюк бўлади. Зеро, мамлакатимизда бунёд этилган ва этилаётган кўплаб йирик саноат, коммуникация иншоотларидан кутилаётган асосий мақсад ҳам шундан иборат. Кўнгирот сода заводи эса ана шуларнинг биридир. Бу ерда ҳозир қурилиш ишлари жадал давом этмоқда. Ишчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Чунки марра тобора яқинлашмоқда.

СУРАТЛАРДА: ***сода заводининг қурилиш майдонларида; пайвандчи Пўлат Арзиев иш устида; заводнинг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Женес Ембергенов монтажчилар билан навбатдаги ишларни муҳокама қилмоқда.***

С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

КОММУНИКАЦИЯ — ИНТЕГРАЦИЯНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Узоқни яқин қилишда, манзилга тез етишда автомобилнинг хизмати катта. Бунинг учун эса биринчи навбатда кенг, равон ва хавфсиз йўл зарур.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув, хусусан, хорижга чиқадиган транспорт коммуникацияларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Янги автомобиль йўллари қурилмоқда, мавжуд йўллар эса жаҳон андозаларига мос даражада қайта таъмирланмоқда. Хусусан, Тошкент-Андижон йўлининг тоғ ёнбағридан ўтадиган қисмида таъмирлаш ишлари давом этмоқда. У орқали яқин келажакда Шарқ ва Ғарбни туташтирувчи Тошкент-Андижон-Ўш-Саритош-Иркештом-Қашғар йўналиши бўйича автомобиль қатнови йўлга қўйилади.

Албатта, замон талаблари даражасидаги йўлни барпо этиш учун илғор техника зарур. Эски техника воситалари билан бундай катта ва мураккаб ишни уддалаш, яъни йўлни халқаро андозалар талабига мослаш мушкул. Шу боис бу ишга хорижлик ҳамкорлар жалб этилди. Хусусан, ўтган йили Япония ҳукумати Тошкент-Андижон йўналишининг Камчиқ довонидан ўтадиган қисмини қайта таъмирлаш учун 960 миллион иен миқдорида грант ажратди. Шу грант ҳисобидан Японияндан олтмишга яқин техника воситаси келтирилди, ҳозир улар довонда муваффақият билан ишлатилмоқда.

Куни кеча эса Камчиқ довонида мазкур грантнинг расмий тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, хорижлик меҳмонлар иштирок этди.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р. Юнусов бу йўлнинг Шарқ ва Ғарб давлатлари ўртасида савдо-сотиқ алоқаларини янада кенгайтиришда беқиёс аҳамият касб этажагини таъкидлади. Коммуникация мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, халқаро интеграциялашув жараёнини фаоллаштиришнинг муҳим омили экани алоҳида қайд этилди.

Японияннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси К. Обата мазкур йўл нафақат минтақамиз мамлакатларини боғлаш, балки Японияннинг Европа билан мунтазам автомобиль алоқасини таъминлашда ҳам муҳим экани ҳақида тўхталди. Шунингдек, бу йўл Марказий Осиё мамлакатларини денгиз йўлига олиб чиқувчи хавфсиз ва қафолатланган йўналиш бўлажагини айтиб, албатта, бундан Япония ҳам манфаатдор эканлигини таъкидлади.

Р. МАҲМУДОВ,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

МАТБУОТНИНГ ЎТКИР СЎЗИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис VI сессиясидаги Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришга бағишланган кенг қамровли нутқи халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида бўлгани каби оммавий ахборот воситалари тарихида ҳам ёрқин воқеа бўлиб қолди. Олий Мажлис ушбу нутқ юзасидан қабул қилган қарорида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этиш мақсадида махсус комиссия тузган эди. Унинг таркибидаги ишчи гуруҳларидан бири — жамиятни янада демократлаштириш шароитида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш масалалари билан шуғулланиши белгиланади.

2 июль куни Ўзбекистон Республикаси парламенти биносида комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни комиссия раҳбари, Олий Мажлис Раиси Э. Халилов олиб борди.

Ишчи гуруҳимиз олдига оммавий ахборот воситалари замон билан ҳамнафас ишлаши учун шароитлар яратиб бериш вазифаси қўйилган эди, — деди унинг раҳбари, Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг раиси Ў. Ҳошимов ўз ҳисоботида. Матбуот тўғрисидаги, журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш хусусидаги, ахборотдан эркин фойдаланиш ҳақидаги Қонун лойиҳаларини яратиш, журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун шароит яратиш, оммавий ахборот воситаларида ўзбошимчалик, авторитар тафаккур намоён бўлиши ҳолларини фош этиш, қонунлар ижросини мунтазам ёритиб бориш, эркин демократик ахборот маконини вужудга келтириш ҳамда мустақил нашрлар ва ахборот органлари тармоғини кенгайтириш мақсадида ишчи гуруҳи аниқ ишлаб чиқилган режа асосида фаолият кўрсатди.

Дарҳақиқат, Президентимиз нутқидан келиб чиққан ҳолда ахборот олиш тўғрисидаги қонунни, матбуот эркинлиги тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш ва журналистларнинг қадр-қиммати ҳамда эркинлигини таъминловчи бошқа қонун ҳужжатларини тайёрлаш зарурати пишиб етилган эди. Шу боисдан ҳам «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва янги таҳрирдаги «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Қисқа қилиб айтганда, журналистларимиз учун ҳақиқий «тўртинчи ҳокимият» қудратини кўрсатиш имконияти яратиб берилди.

Демак, бугунги кунда матбуотимиз саҳифаларида, телекўрсатувларда, радиоэшиттиришларда жанговарлик яққол сезилиши, камчиликларни ошкора очиб ташловчи, турли поғоналардаги ўзбошимчалик, авторитар тафаккур ҳолларига бағишланган мақолалар кенг ёритилиши керак эди. «Халқ сўзи» газетасининг кейинги сонларида эълон қилинган «Журналист текшируви» рукнидаги ва бошқа айрим мақолаларни ҳисобга олмаганда, афсуски, бугунги кунда ҳам ана шундай материалларни газета-журнал саҳифаларида, кўрсатув ва эшиттиришларда аҳён-аҳёнда учратиш мумкин. Демак, бундай лоқайдликнинг асл сабаби қонуний кафолатлар йўқлигида, қонунларимизнинг бўшлигида эмас. Шундай экан, нега матбуотимизда кескин бурилиш рўй бермади? Нега ҳамон «мен сенга тегмайман, сен менга тегма» руҳидаги чиқишлар матбуотнинг ўндан тўққиз қисмини эгаллайди?

Назаримда, бундай лоқайдликнинг асл сабаби, — деб таъкилади Ў. Ҳошимов, — журналистларимизнинг эскича ишлашга мойиллиги, маъмурий-буйруқбозлик услуби исканжасидан халос бўлишга ошиқмаётганликларида экан.

Бундай хулосага келишимиз бежиз эмас, бунинг асослари бор. Президент девонида, Олий Мажлисда ёки Вазирлар Маҳкамасида муайян масалага алоҳида эътибор қаратилиб, у ёки бу соҳа, вилоят танқид қилингудек бўлса, матбуотимиз саҳифаларини ана шу мавзудаги мақолалар баҳорги қўзиқориндек босиб кетади. Шу даражага етиб борадики, газеталаримизда худди бир қолипдан чиққандек, бир хил гап айтилади, яна энг юқори минбардан туриб танқид қилинади. Мақолалар бериш яна таққа тўхтайди. Ана шунинг ўзи ҳам эскича ишлашга кўникилганлигининг ёрқин исботидир. «Халқ сўзи» газетаси, «Ўзбекистон овози», «Правда Востока», «Туркистон», «Адолат», «Ватан» ва бошқа нашрлар хусусида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин.

Бир пайтлар ЎзТАГ канали орқали у ёки бу материал «Барча газеталарда эълон қилиниши шарт» деган кўрсатма билан юборилар эди. Шундан сўнг ҳамма газеталарда ўша гаплар бир хил кўринишда, бир хил мазмунда газетхонларга тарқатилар эди. Кейинги пайтда ана шу усулдан воз кечдик. Аввало, бу тажриба эскириб қолганлиги тан олиниб, ҳар бир нашр ўз услубига, ўз кўринишига, ўзига хос жиҳатларига эга бўлиши керак, деган принципга амал қилина бошланди. Хуллас, маъмурий-буйруқбозлик кўринишининг охирги белгилари ҳам барҳам топди, дейиш мумкин. Хўш, шундан сўнг бу ҳол матбуотимиз саҳифасида қандай ижобий ўзгаришларга олиб келди?

Назаримда, бу ҳаракат дастлабки кезларда жуда яхши натижа берди. Кейинчалик журналистларимизда, айниқса, оммавий ахборот воситаларининг раҳбарларида ҳушёрликнинг сусайиши, муайян долзарб мавзудаги воқеаларнинг ёритилишига лоқайд қараш пайдо бўлди. Шунинг оқибатида қатор нашрларимизда республикамиз ҳаётидаги муҳим воқеалар, мақолалар чоп этилмай қолди ёки кечикиб эълон қилинди.

Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессиясида жамиятимизнинг барча қатламларини қизиқтирган, ҳаётий муҳим қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Сессиягача бўлган даврда ҳам ушбу қонунлар қанчалик қизғин муҳокама ва мунозараларга сабаб бўлганлигини, айниқса, журналистларимиз яхши билишади.

Ниҳоят, қонунлар қабул қилинди. Бутун жамиятни қизиқтирган ва Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган, келгуси ҳаётимизни қайси меъёрлар асосида давом эттиришимиз кераклигини белгилаб берувчи қонунлар парламент газетаси бўлмиш «Халқ сўзи» ва «Народное слово»да бирин-кетин эълон қилина бошланди. Лекин республика миқёсида тарқаладиган газеталар, хусусан, «Ўзбекистон овози» ва «Правда Востока» газеталарининг раҳбарлари, ҳатто учта қонун чиққанидан кейин ҳам уларнинг бирортасини эълон қилишни лозим топмадилар.

Шу ўринда савол туғилади: нима, янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун «Ўзбекистон овози» газетхонларига керак эмасми? Ваҳоланки, айнан ана шу Қонун лойиҳаси газетанинг муассиси бўлмиш Халқ демократик партиясидан сайланган Олий Мажлис депутатлари фракциясида жуда қизғин муҳокама қилинган, зўр баҳс-мунозараларга сабаб бўлган эди-ку!

«Правда Востока» газетаси хусусида ҳам худди шундай фикрни билдириш мумкин. Газета раҳбарлари билан боғланиб, қонунлар эълон қилинмаётганлигининг сабаби билан қизиқилганда таҳририят бундай кўрсатма олмаганлиги (?!) важ қилиб кўрсатилди.

Матуботимиз аслида қонунларимиз тарғиботчиси бўлиши керак эмасми? Оммавий ахборот воситалари иш амалиётида қонун ҳужжатлари рўёбга чиқарилишининг боришини мунтазам ёритиб бориш мустаҳкам ўрин олмоғи керак эдику! Қонун фақат бажарилгандагина, унга риоя этилгандагина қонун эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Акс ҳолда у декларатив характердаги шиор бўлиб қолавериши аниқ. Шунинг учун ҳам қонуннинг ижро этилишини матбуот орқали назорат қилиш ишчи гуруҳи олдига алоҳида вазифа қилиб қўйилган эди.

Бу борада амалга оширилган ибратли ишлар оз эмас. Турли доираларда, хусусан, милиция ҳамда прокуратура органлари томонидан йўл қўйилган қўпол хатолар туфайли фуқароларимиз асоссиз равишда озодликдан маҳрум этилганлиги тўғрисидаги мақолалар ҳис-ҳаяжонга берилмай, пишиқ-пухта ёритилди. Қувончли томони шундаки, «тўртинчи ҳокимият» ўз қудратини кўрсатиб, ана шу хилдаги бебошликларга қарши фаол кураш бошлади. Газета чиқишларидан сўнг ўз хизмат вазифасига жиноятқорона совуққонлик билан қараган баъзи суд, прокуратура ва милиция ходимлари жиноий жавобгарликка тортилдилар. Энг муҳими, адолат қарор топди. Халқ ўртасида қонун устуворлиги яна бир бор исботланди. Газеталарнинг бундай ибратли ишини фақат табриклаш мумкин, холос.

Вақтдан ҳам жадалроқ ўзгариб бораётган жамиятимиз турмушида ана шундай иллатлар фақат якка-ёлғизмикин, деган савол туғилади. Албатта, ундай эмас. Хўш, унда нега бир ойда лоақал битта шу руҳдаги мақолани учратиб бўлмайди? Нима сабабдан қонунларнинг қандай бажарилаётганлиги газета саҳифаларида моҳирлик билан ёритилмайди? Ёки бундай фактлар йўқми, уларни топиш қийинми? Ундай ҳам, бундай ҳам эмас. Аслида журналистларимиз муаммолар билан жиддийроқ қизиқмаяптилар. Аксарият ҳолларда журналистларимиз сўраган маълумотларини, фактларни, ахборотни кўпчилик раҳбарлар бермаслигидан кўча-кўйда шикоят қилиб нолийдилар, вассалом(?!). Ана шундай пайтларда газетанинг «Луқма» деган рубрикасидан фойдаланишга ким халақит беради? Мақолада бевосита ана шу корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига мурожаат этилиб, «Ахборот олиш кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда белгиланган ҳуқуқимдан фойдалана олмадим. Бу ҳуқуқимнинг бузилишига Сиз сабабчи бўлдингиз. Ана шу боисдан матбуотда эркин чиқиш ҳуқуқимдан фойдаланиб, Сизга мурожаат этяпман: ўз хатти-ҳаракатингизга газета орқали изоҳ беришингизни сўрайман» тарзидаги талаб тўрт сатр қилиб баён этилишига ким халақит беради?

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, — деди Ў. Ҳошимов сўзини якунлар экан, — ишчи гуруҳи аъзолари келгусида бу масалага эътиборни кучайтирмоқлари лозим. Барча матбуот органларининг раҳбарлари ҳам бу борада ишчи гуруҳига кўмаклашадилар, деган умиддамиз. Ана шундай қилинсагина журналистикамиз ҳам ютади, жамиятимизнинг ривожига ҳам ўз касб-маҳоратимиз билан баракали ҳисса қўшган бўламиз.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан Президентимиз И. Каримов журналистларимизга йўллаган мурожаатда шундай сатрлар бор: **«Истиқлолнинг ўтган даврида журналистларимизнинг ҳам тафаккури, дунёқараши ўзгарди».** Шу билан бирга, деди ўз сўзида Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг ҳамраиси Х. Дўстмуҳамедов, газета ва журналларнинг мазмун-мундарижаси ҳам ўзгарди. Улар кўпроқ миллий шакл, миллий мазмун касб этиб, истиқлолимизни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Лекин ана шу гоялар, миллий мафкура мужассам бўлган газеталаримиз идоравий сансалорликлар туфайли бутун бошли вилоятларда мутлақо тарқатилмаяпти, деган хабарлар ҳаммамизни ташвишга солади.

Журналистикага оид қонун лойиҳалари муҳокамасида, — деди Инсон ҳуқуқлари бўйича республика Миллий маркази директори А. Саидов, — қаламкаш дўстларимиз нақадар манфаатдорлик билан иштирок этганликларини таърифлаш қийин. Бундай фаолликни таъкидлаш билан бирга, табриклаш ҳам керак. Ҳозир эса ана ўша қонунлар кучга кирди. Демак, ўша фаолликнинг иккинчи босқичи бошланиши, яъни қонунларда берилган имконият ва ҳуқуқлардан фойдаланиш керак эди. Афсуски, аввалги фаоллик сезилмаяпти.

Тўғри, — деди Ўзтелерадиокомпания раиси А. Кўчимов, — юқорида таъкидланган камчиликларни тан олиш керак. Халқимизнинг муайян қисми Ўзбекистон телеканалларини эмас, бошқа каналларни кўпроқ томоша қилаяпти, деган гапни эшитиш оғир ботади. Лекин ишонтириб айтаманки, аниқ ишлаб чиқилган режалар астойдил бажариляпти ва яқин бир-икки йил ичида бу мавзуда ҳеч уялмай баҳслаша оладиган бўламиз.

Газета ва журналларимиз замон руҳига мос чиқишлар қилиши билан бирга, ўзлари ҳам замон ўзгаришларига қўшилиш ҳосил қилмоғи лозим, — деди Матбуот давлат қўмитасининг раиси Р. Шоғуломов. — «Давлат дотация бермаяпти, ойлик кам, қоғоз топиб берсин» деган гаплар ортда қолди. Бундай боқимандалик кайфиятидан қанчалик тез қутулсак, шунча ўзимизга фойда. Қолаверса, ҳар бир нашрнинг ўз муассиси бор. Нега улар газета ёки журнални таъсис этишни ўзларига эп биладилар-у, уни «боқиш»ни давлат гарданига юклаб қўймоқчи бўладилар? Бу саволга ўзлари ҳам жавоб беролмасалар керак...

Музокараларда сўзга чиққан «Миллий тикланиш» газетасининг бош муҳаррири И. Ғафуров, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири А. Мелибоев ва бошқалар келгусида матбуотимиз томонидан ҳал этилиши лозим бўлган қатор ҳаётий муҳим муаммолар ҳақида батафсил тўхталиб ўтдилар, уларни ечиш йўллари хусусида ўртоқлашдилар.

Мажлис ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б. С. Ҳамидов, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суди раиси Б. О. Эшонов, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳининг раҳбари Й. Назаров, вазирликлар ва идораларнинг, республика оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Мажлисда кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кунлари

МАРОҚЛИ УЧРАШУВЛАР, ДИЛКАШ НАВОЛАР

Тожикистон Республикаси кунлари қатнашчиларининг Самарқанд вилояти меҳнат аҳли билан учрашувларининг иккинчи куни ҳам тантаналарга бой бўлди. Меҳмонларнинг бир гуруҳи эрталаб Самарқанд ва Тойлоқ туманларига ташриф буюрди. Улар барча жойда юксак эҳтиром ва иззат-икром билан кутиб олинди. Азалдан бир-бири билан қардош, қуда-андачилик анъаналарини давом эттираётган икки халқ вакилларининг учрашувларида тинчлик, эзгулик, ўзаро муносабатларни янги поғонага кўтариш ҳақида сўз юритилди. "Пируз Лорч" Ўзбекистон — Эрон қўшма корхонаси, "Заршер" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси, янги ташкил этилган "Маънавият ва маърифат" маркази, бир қатор хўжаликларда уюштирилган мулоқотлар қизғин ўтди. Тожикистонлик санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар дўстлик байрамига алоҳида шуҳ бахш этди.

Дўст мамлакат санъат ва маданият намояндаларининг яна бир гуруҳи буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги муносабати билан вилоятда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ишлар билан танишди. Бугунги кунда улкан қурилиш майдонига айланган тарихий қадамжолар — Маҳдуми Аъзам ва ал-Бухорий масжидларини зиёрат қилиш баробарида бу ерда ишлаётган қурувчилар билан яқиндан суҳбат қурди.

Шунингдек, улар Иштихон тумани дала меҳнаткашлари, Каттақўрғон ёғ-мой заводи ишчи-хизматчилари билан ҳам учрашди.

БУ ЮРТНИНГ КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ

Мамлакатимизда ўтаётган Тожикистон Республикаси кунлари қатнашчиларидан бир гуруҳи улуғ саркарда ва жаҳонгир Амир Темур таваллуд топган юрт — Шаҳрисабзда бўлди. Меҳмонлар шаҳардаги тарихий обидаларни кўздан кечириб, Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйдилар. Кечқурун Шаҳрисабз шаҳар маданият саройида тожикистонлик санъаткорлар иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ўзгаришлар меҳмонларни ҳайратга солмоқда.

— Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда рўй берган ўзгаришларни кўриб, ҳайратга тушдик, — дейди Тожикистондаги машҳур "Зарафшон" ансамбли хонандаси Турсунмурод Зарипов. — Бу сизларнинг ҳаётларингиз, юртбошингиз Ислом Каримов атрофида маҳкам жипслашганликларингиз туфайли, деб ўйлайман. Бугун Шаҳрисабзни томоша қилдик. Тарихий обидаларга ҳурмат, соҳибқирон Амир Темурга ўрнатилган ёдгорлик — ҳаммаси ажойиб. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда тинч ва осуда ҳаётни, амалга оширилаётган улкан ишларни кўриб ҳавасимиз келди.

А. ТАЙПАТОВ,
Ҳ. ШУКУРОВ
ЎзА мухбирлари.

САОДАТМАНДЛИК

БАРЧАДАН ЯХШИРОҚ ҲАЁТ ГУЛИ...

Давра суҳбатларида «Қандай кишини чин инсон ва мусулмон одам, инсони комил деб аташ мумкин, унинг сифати, фазилатлари, масъулият ва бурчлари нимада?» деган масала ҳам кўтарилиб қолади. Ўз моҳияти ва мазмунига кўра, қамрови кенг ва анчагина мураккаб мавзу. У инсон ҳаёти, фаолияти ва маънавий дунёсининг ҳамма томонларини қамраб олади.

Ал-Бухорийдан тортиб Имоми Ғаззолийгача, Юсуф Ҳамадонийдан тортиб юртдошларимиз Хожа Абдихолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбандгача «мусулмон» сўзини ҳар томонлама маънавий етук, иймони бут, эътиқоди мустаҳкам комил инсон маъносида тушунганлар. Жумладан, Шайх Умар Боғистоний ўз фарзанди Шайх Ховандн Тоҳурга: «Мулло бўлма, шайх бўлма, мусулмон бўл!» деб бекорга айтмаганлар.

Дин ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ. Бу исбот талаб қилинмайдиган мутлақ ҳақиқатдир. Шу жумладан, Ислом дини ҳам минг йиллар давомида барқарор ва мавжуддир. Шунинг ўзиёқ диннинг ижтимоий ҳаёт билан узвий боғлиқ эканлигини кўрсатади. Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, дин одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлайди. Уларни поклаб, юксалтиради. Ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларини енгиб ўтишларида инсонга куч бағишлаган. Умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга етказишда ёрдам бериб келган.

Шуни унутмаслик керакки, диндорлик ва мусулмончиликнинг асл моҳияти ёлғиз Аллоҳга ибодат қилиш бўлса-да, жамиятдан, ижтимоий ҳаётдан, халқ, Ватан, миллат манфаатларидан ажралган ҳолда ҳаёт кечириш дегани эмас. Ҳаётда мусулмон кишига хос масъулият, бурч, вазифалар талайгина. Бу фазилат ва вазифалар мусулмончиликнинг асл моҳиятидан келиб чиқади. Буюк юнон файласуфи Аристотел айтганидек: «Диний иш дунёвий ишларсиз узоқ барқарор бўла олмайди».

Инсон мавжуд дунёда ҳам, охиратда ҳам саодатга мушаррраф бўлмоғи учун борлиқни, ундаги нарсаларни билиши ва улардан баҳраманд бўлиши лозим. Бунга эса, биринчидан, Аллоҳни таниш ва билиш билан, иккинчидан, нафсни поклаб, ахлоқни тарбиялаб, муайян илм ёки ҳунар соҳиби бўлиш билангина эришилади. Бусиз инсон мукаммал маърифатли мусулмон бўла олмайди.

Аллоҳ инъом этган бу дунё неъматларидан, коинотнинг муҳташамлигидан, табиатнинг зеболиги ва раънолигидан завқшавққа тўлган буюк Навоий ҳам:

Хушдурур боғи коинот гули,
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули,

— дея ердаги ҳаётга мадҳия ўқиганлар.

Бу фикрларнинг ҳаётийлигини анча олдиндан башорат қилган пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом (САВ) эса умматларига мурожаат қилиб: «Сизларнинг яхшиларингиз — дунё иши деб охиратни, охират деб дунё ишини тарк қилмайдиган ва бошқаларга малоллик тушмайдиганларингиздир», деб таълим берганлар. Расули акрам ҳар иккала амални биргаликда, уйғун ҳолда олиб бориш зарурлигини уқдирганлар; мусулмонларни диний ва дунёвий билимлар соҳиби бўлишга чақирганлар.

Солиҳ инсон ўзининг самимий ички дунёси билангина эмас, айни вақтда ташқи қиёфаси билан — озодалиги, юриш-туриши, кийиниши ва муомала маданияти, ширин лутф ва андишаю ибоси билан ҳам ибрат намунаси бўлмоғи даркор. У тўғри юради, тўғри кўради, тўғри эшитади ва тўғри сўзлайди. Ўз-ўзини англаш эса — мусулмон кишининг муқаддас бурчларидан бири. У ана шу бурчга сидқидилдан содиқлиги туфайли ҳамиша ўзининг яшаш тарзи ва фаолиятини назорат қилиб туради. Йўл қўйган хато-камчиликларининг илдизини аниқлайди ва уларни тузатади, ҳидоят йўлига киради. Ўз-ўзини англаб, ўзини назорат қилиб турувчи комил инсон ўзгаларнинг хулқи-атвори билан таниш бўлиши лозим, улардаги ижобий хусусиятларни, томонларни ўзида ҳам бор эканлигини англаши даркор.

Ана шундагина киши комилликка эришади.

Шайх Саъдийнинг ёзишича, Луқмони Ҳакимдан ҳукамолар: «Э, Луқмон, шунча адаб қоидаларини кимдан ўргандинг» деб сўраганларида, шундай жавоб берган экан: «Одобни одобсизлардан ўргандим. Уларнинг халқ нафратланадиган ишларини кўриб, бу ишлардан чекиндим».

Илм ёки ҳунарнинг биронбир соҳасини эгаллаш, айниқса, илм соҳиби бўлиш мусулмон киши учун инсоний бурч, юксак масъулиятдир. Илм Аллоҳни таниш, ўзлигини англаш ва дунёни билишнинг муҳим воситасидир. Шунинг учун бўлса керак, маърифат оламининг буюк даҳолари илм-фаннинг ҳаётдаги роли ва аҳамиятини алоҳида қайд қилганлар, юксак баҳолаганлар. Беруний «билим-дилга ҳаёт бағишлайди» деса, аз-Замахшарий «илм—кўз қорачиғи», деб таърифлайди.

Бундай теран фикрлар Амир Темур маънавиятида ҳам ўз ифодасини топган. XV асрнинг машҳур тарихчилари—Абдураззоқ Самарқандий, Шарофуддин Али Яздий, ибн Арабшоҳнинг шаҳодат беришларича, Амир Темур «Ҳофизул қуръон» деган фахрий унвон соҳиби бўлган. У Қуръон, Ҳадис, тавҳид, тафсир, фиқҳ, тасаввуф каби диний билимларни чуқур билган. Айни вақтда кўплаб дунёвий фанларни—тарих, фалсафа, иқтисодиёт, жуғрофия, ҳарбий билим, фалакиёт, санъат ва меъморчилик кабиларни пухта ўрганиб борган, ўз ҳаёти ва фаолиятида ҳам диний, ҳам дунёвий билимларга изчил амал қилган.

Ислом дини илмга муҳаббатни ибодат даражасига кўтарган: «Менинг наздимда, ибодатга қараганда илмнинг фазилати ортиқдир... — деб таъкидлаганлар Муҳаммад пайғамбар, — бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс эса уч ой тутилган нафл рўзадан афзалдир... Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сўраб истиғфор айтади».

Таассуфки, шўролар тузуми даврида дин тараққиёт душмани сифатида талқин қилинди, Ислом дини илм-фанга қарама-қарши қўйилди, диний ва дунёвий билимлар алоқадорлиги инкор қилинди. Лекин тарихий ҳақиқат ва илмий далиллар бундай сохта қарашларнинг асоссизлигини кўрсатади.

Маъмун Боғдодда ўша давр академиясини — «Байтул ҳикма» («Донишмандлар уйи»)ни ташкил этган. Шу асосда қадимги юнонларнинг барча илмларга оид асарлари араб тилига таржима қилинган. Кейинчалик бундай уюшма (академия) Хон Али ибн Абдул Аббос Маъмун (ҳукмронлик даври 995-1017) ташаббуси билан Хоразмда ҳам ташкил топди. Унда Беруний, Ибн Сино, Абу Наср ибн Ироқ, Абу Бакр Муҳаммад Хоразмий, Абдул Ҳасан Маъмун каби кўпгина йирик олимлар фаоллик кўрсатдилар. Буларнинг ҳаммаси Ислом динининг айни вақтда дунёвий билимлар ривожига ҳам хайрихоҳлигини, унинг равнақига муайян ҳисса қўшганлигини кўрсатади.

Англиялик олим Ж. Бернал «Жамият тарихида фаннинг ўрни» асарида қуйидагиларни ёзган: «Оврупонинг кўпчилик қисми Рим империясининг ҳалокатидан келиб чиққан фалокатга ботиб ётган даврда... мусулмон дунёси ажойиб тараққиётни бошидан кечираётган эди. Мусулмон олимлари... тараққий этувчи, жонли фан яратдилар. Бу олимлар Эрон, Ҳиндистон ва Хитой тажрибаларини ўзлаштириб, грек математикаси, астрономия ва медицина фанларининг тор асосини кенгайтиришга муваффақ бўлдилар, алгебра ва тригонометрия, оптика асосини яратдилар. Кимё ёки ал-кимёда ҳам мусулмон фани ҳал этувчи ғалабага эришди».

Юқорида баён этилганлардан англашиладики, Ислом дини фақат охиратнигина ва унга тегишли соф диний билимларнинг ўзинигина тан олади, деган даъволар бир ёқлама ва асоссиздир. Ҳолбуки, мусулмончилик ижтимоий ҳаётни (биз яшаб турган мавжуд жамиятни) асло инкор қилмайди, аксинча, ундаги моддий ва маънавий неъматлардан, шу жумладан, илм-фан ютуқларидан баҳраманд бўлишимиз лозимлигини таъкидлайди.

Миллий анъаналарни ривожлантириш, қадимда фан, маърифат ва маданият оламининг маркази ҳисобланган, одамзод тарихидаги илк академиялардан бўлмиш «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони фикримизнинг ёрқин далилидир.

«Илм бир дарё, ичи тўлмуш дуру гавҳар билан,
Қиймату қадрин қачон билгай они жоҳил, илон».

Истеъдодли шоир, файласуф, моҳир муаллим Абдулла Авлоний илмнинг моҳияти ва аҳамиятини юқоридагича таъкидлар экан, ўзининг «Усон миллат» асарида шундай деб ёзган: «Илм диний ва фанний қисмлар ила иккига бўлинур. Диний киши бўлмак учун умумий диний ўқимоқ ила баробар ҳисоб ҳандаса, тарих, ҳикмат, кимё, тиб, зироат илмлари каби фанний илмларни ҳам билмоқ, чин олим бўлмоқ учун лозимдир. Чунки бу илмларнинг иккиси ҳам дунё ва охиратимиз, ҳаёт ва саодатимиз учун энг керакли нарсалардир».

Демак, инсон маърифатли мусулмони комил бўлиши учун фақат диний билимларнигина билиши кифоя қилмайди, айни вақтда дунёвий билимларни ҳам билиш ҳаётий заруратдир.

Зайниддин ИСАМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи.





МУНОСАБАТ

МАНСАБ ВАСВАСАСИ ЁКИ ТИЖОРАТ «СИРИ»

Тошкент шаҳрининг серфайз ва обод маҳаллаларидан бирида ҳамма ҳавас қилса арзигулик оила бор. Хонадон соҳиби олтмишлардан ошган, барча фарзандларидан тинчиган. Маҳаллада ўзига хос обрў-эътибор қозонган отахонлардан. Келинг, муҳтарам газетхон, шартли равишда отахонни Ҳалимбой деб атайлик (Мақоладаги барча исмлар оила шаънини ўйлаб ўзгартирилган).

Ҳалимбой ота беш вақт намозини канда қилмайдиган, диний аҳкомларни бекамиқўст бажариб келадиган ҳудожўй одам. Жуда мулойим, бировга бир оғиз ҳам қаттиқ гапирмайдиган хокисор, беозор. Қисқаси, Ҳалимбойни кўрган, у киши билан ҳамсуҳбат бўлганлар «бир мўминмусулмон бўлса, шунчалик бўлади-да», деб хулоса чиқаришлари тайин. Аммо у кишининг биров билиб, биров билмайдиган «қилмишлари» ҳақида эшитган одам: «азбароён худо, мўмин-мусулмон ҳам шундай ишларни қилар эканми?» деб ёқасини ушлаши аниқ.

Сўзларига қараганда, тижорат мақсадида Покистон, Эрон давлатларига тез-тез қатнаб тураркан. Аммо ҳеч ким бирон марта у кишининг тижорий «саёҳат»ларга оғир юк кўтариб кетганликларини-ю, у ёқдан мол-буюм олиб келганликларини кўрган эмас. Ҳалимбойнинг тижорат баҳонасида чет элларга тез-тез бўлиб турадиган сафарлари харажатларини бундан манфаатдор бўлган ҳомийлари таъминлаб турган.

Аслида Ҳалимбой бундай саёҳатларга қуруқ қўл билан бориб, қуруқ қўл билан қайтиб келадилар десак, у кишига нисбатан жиндак адолатсизлик қилган бўламиз. Аниқроғи, Ҳалимбой бегона юртларга «жонли юк» олиб борардилар-у, у ердан яна шундай «юк» олиб келиш ҳақидаги талабномалар билан қайтардилар.

Табиийки, «жонли юк» нима экан, деган савол туғилади. Ҳалимбой тижоратининг «сири» ҳам худди ана шунда-да. Келинг, ушбу тижорат «сири» хусусида батафсилроқ тўхталиб ўтайлик.

... Одатда, Ҳалимбой қариндош-уруғлари, таниш-билишларини учратганда, маҳалла-кўй ва масжидда намозхонлар орасида чет элларда диний таълим олиш имкониятлари мавжудлигига ишора қилиб гапирадилар. Шундан сўнг уларни яна ҳам қизиқтириш мақсадида хорижлик тадбиркорлар диний таълим олиш учун кетадиган сарф-харажатларни ўз бўйниларига олишларини, чет элларда талабалар жуда катта миқдорда стипендиялар билан таъминланишларини оғиз кўпиртириб гапирадилар.

Албатта, диндор одамдан бундай гапларни эшитган кишилар Ҳалимбойга дарҳол ишонишади. Ишонмасдан ҳам бўлмайди-да, ахир! Етмиш ёшни қоралаб қолган табаррук ёшли отахон наҳотки ёлғон гапирса?!

Эндигина ўн етти-ўн саккиз ёшга тўлган, ҳали ақли-ҳушини таниб улгурмаган, бошланғич диний таълим олган (динга муккасидан кетган бўлса яна ҳам яхши), жисмонан бақувват йигитлар Ҳалимбой домла учун «жонли юк» ҳисобланади.

Орадан кўп вақт ўтмай, Ҳалимбой домланинг уйига бирин-кетин фарзандини етаклаб ота-оналар кириб кела бошлашади. У аввалига чет элда ўқиш ҳақидаги таклиф кўпчиликнинг қулоғига етиб бормаслигини, ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолишини тайинлайди. Сўнгра ўзлари бошида туриб бўлажак «талаба»ни имтиҳондан ўтказадилар. «Талаба»нинг зеҳни ва қобилиятини кўриб-дан ўтказган домла, виза очтириб қўйиш мақсадида деб, уларнинг ҳужжатларини олиб қоладилар. Домла аввал йигитларга обдон «ишлов берадилар», яъни бундай диний мадрасаларда ўқиш бахти ҳар кимга насиб этавермаслиги, ҳар қандай қийинчиликларга тайёр туришлари кераклигини уларнинг қулоғига обдон қуядилар. «Ғоявий ишлов»дан ўтган йигитлардан беш-олтитаси тўпланганч, Ҳалимбой сафар тадоригига тушадилар.

ТУШУНТИРИШ ХАТИДАН:

«Тижорат мақсадида Эроннинг Қум шаҳрида юрганимда, ўзбекистонлик толиб йигитлар билан танишиб қолдим. Улар қандайдир домланинг катта стипендиялар тўлайди, деган гапларига ишониб, Эрондаги диний мадрасаларда ўқиш учун бу ерга келганликларини айтишди. Аммо у ерда талабаларга ойига уч-тўрт доллар берилишини, 10-15 нафар йигитлардан иборат толиби илмлар зах ва тор кулбаларда ижарада истиқомат қилишларини, тўйиб овқатлана олмаётганликларини, кўплаб талабалар ошқозон касаллигини орттириб олганликларини, ҳаммасидан ҳам алам қиладигани — бу мадрасаларда таҳсил шиа мазҳаби йўналишида олиб борилишини, улар ўзбекистонлик йигитларни, яъни сунний мазҳаб йўналишида таълим олганларни ёмон кўришлигини, шу сабабдан ҳам шиа мазҳабига ўтишга толиб йигитларни мажбур қилаётганликларини айтишди. Мен уларга юринглар, Ўзбекистонга кетамиз, йўлга пулни мен тўлайман десам, унашмади. Бизнинг паспортларимизни олиб қўйишган, шундоқ ҳужжатсиз Ўзбекистонга кириб борсак, бизни жиноятчи деб қўлга олишлари мумкин, дейишди.

Малик С.,
Наманган вилояти».

УЛАР КИМНИНГ НОҒОРАСИГА ЎЙНАМОҚДА?

Ёхуд қуруқ ваъдаларга алданган воситачилар хусусида

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ўтказилган брифингда қайд этилганидек, «сўнгги вақтларда Ўзбекистондаги барқарорликни издан чиқаришга қаратилган айрим экстремистик йўналишдаги диний ташкилотлар ва марказларнинг фаолияти кучаяётгани маълум бўлмоқда». Ана шундай диний ташкилотлар ва марказларнинг раҳнамолари мамлакатимиз ҳудудидан ҳам ўзларига «ҳамкор»лар излашмоқда. Уларга мабодо Ўзбекистонда ислом давлати қурилгудек бўлса, раҳбарлик лавозимларини ваъда қилган, ўзларига шерик қилиб олмоқдалар. Улар мамлакатимиз ҳудудида ана шундай пуч ваъдаларга ишониб ёлланган воситачилари ёрдамида ёш йигитларни алдаб Ўзбекистондан олиб чиқиб кетишга уринмоқдалар.

Ҳалимбой ҳам мана шундай воситачилардан бирига айланган, ёшларимизнинг умрига завол бўлган зарарли шахслардан ҳисобланади. Уларга юклатилган асосий вазифа — Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан диний таълим олган ўсмир йигитларни топиш, уларга хориждаги «нуфузли» диний мадрасаларда таҳсил олиш, у ерда тўланадиган катта миқдордаги стипендияларни ваъда қилиб, йигитларни Ўзбекистондан олиб чиқишга уринишдир.

Ҳали ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган, гўр ўсмирларнинг бир зумда ақли шошиб, бундай ваъдаларга ишонишлари табиий, албатта. Аммо уларнинг ота-оналари-чи? Наҳотки, оқ-қорани таниган, ҳаёт тажрибасига эга бўлган, ўқиган, уққан ота-оналар ҳам бундай сароб ваъдаларга учиб, ҳомхаёл қилаётган бўлсалар? Ҳалимбой «бу ердаги гаплар бегона қулоқларга етиб бормаслигини» айтган маҳал, наҳотки, у кишига қараб «домла, сиз айтаётган ўқишга қонунга хилоф равишда бориш шартми, у ерда таълим олиш учун расмий рухсат борми?» деб, бир оғиз сўрамаса, қизиқмаса? Республикамиз қонунларига хилоф равишда фарзандларини хорижга юборишнинг охири вой билан тугашини наҳотки ўйламаётган бўлсалар?

ТУШУНТИРИШ ХАТИДАН:

«Амаким Ҳалимбой чет элларга тижорат мақсадида тез-тез қатнаб туради. Ўтган йили бизникига меҳмон бўлиб келганда, ўғлимнинг диний таълимни давом эттириши кераклигини жуда кўп таъкидлади. Бунинг учун у қўлидан келган ёрдамини аямаслигини айтди. Амаким хориждаги диний мадрасаларга кўплаб йигитларни жўнатганлигини таъкидлаб, у ерда талабаларга 300 доллар стипендия берилишини, шунингдек, улар бепул овқат, ётоқхона, кийим-кечаклар билан таъминланишларини тушунтирди.

Амаким Ҳалимбойнинг бизга кўрсатган меҳрибончиликлари учун у кишига ишониб, ўғлим Комилнинг улар билан бирга Эронга бориб, у ердаги диний мадрасада таълим олишига рози бўлдим.

Баҳодир Т.,
Андижон вилояти».

«МУШУК-СИЧҚОН» ЎЙИНИ

Ёки қонунларни билмаслик фуқароларни жиноий жавобгарликдан озод этмаслиги хусусида

Ҳалимбой билан бўлган суҳбат чоғида у киши ҳақиқатан ҳам жиянлари Комилни Эронга бирга олиб кетганликларини тан олдилар. Комил ўша ердаги диний мадрасада ўқиш учун қолганлигини айтиб, гўё бу машмашаларнинг барчасини Комилнинг ўзи бошлагандек, ҳамма айбни бечора жиянларининг гарданига «юклаб» қўя қолдилар.

Эҳ, бечора жиян... Бугун ўз юртинг, меҳрибон ота-онанг, ака-укаларинг, дўсту ёрларинг олдига қайтолмай, қайси бегона юртларда сарсон-саргардонликда, хору зорликда юрибсан? Шамоллаб, иссиғинг чиқиб ётганингда онанг бир қадам ҳам ёнингдан нарига жилмас, укаларинг тепангда гиргиттон бўлишарди! Бугун-чи, ёнингда иссиқ-совуғингдан хабар оладиган бирон-бир ҳамдардинг, ҳамхонанг бормикан? Юрт соғинчи, ҳижрон алами, сенга нима керак эди?

Эҳ, бечора жиян, сенинг тақдирингда мана шундай қайғули бурилиш юз беришига амакинг Ҳалимбой сабабчи эканлигини бугун жуда яхши биласан. Биласан-у, аммо энди афсус қилишнинг кечлигини жуда яхши тушунасан, ҳатто бу ҳақда бирор одамга ҳам айтолмайсан. «Ғинг» деб оғзингни очгудек бўлсанг, бу ерда суробингни тўғрилаб қўйишларини яхши аңлайсан. Мусофирчилик азобини ҳатто душманингга ҳам раво кўргинг келмайди, жиян...

Муҳтарам ўқувчи, келинг, яна Ҳалимбойга қайтайлик. Отахоннинг барча фарзандлари, даромадли ишларнинг этагидан тутишган, барчаси топармон-тутармон, оиланинг бирон нарсадан зориққан жойи йўқ. Ҳалимбой уйнинг тўрида ўтириб, қарилик гаштини сурадиган, фарзандлари дуосига қўл очиб, Яратгандан уларнинг бахтини, иқболини сўрайдиган вақти. Хўш, шундай табаррук ёшдаги отахонни қайси жин чалди-ю, нима сабабдан у киши бу машмашаларга бош қўшиб қолдилар, деган саволларга биргаликда жавоб излаб кўрайлик.

Одатда, инсон она қорнидан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Лекин ҳар бир инсон ўз нафсининг сўзига кириб, жиноятга қўл уради. Бутун умрини оддий бир идорани коровули лавозимида ўтказган Ҳалимбой кўнглининг қоронгу бурчакларида бирор амални эгаллаш, бирор мансабга миниш, мартабага эришиш орзуси беркиниб ётган бўлса, ажаб эмас. Шу сабабдан ҳам, гўё қурилиши мумкин бўлган ислом давлатида уларга юқори лавозимлардан бири таклиф қилинганда, у киши ҳеч нарсани ўйлаб ўтирмасдан, бу таклифга рози бўлиб, қариганда «қармоқ»ка илиниб қолгандирлар.

Отахонга Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 135-моддаси «Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш», 223-моддаси «Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш»га оид бандлари тўлиқ ўқиб берилганда, Ҳалимбой «ўлимдан хабарим бор-у, аммо бундай қонунлардан хабарим йўқ» деб, қонунларни билмасликларини баҳона қилиб, жиноятдан қутулмоқчи бўлдилар. Аммо республикамиз қонунларини билмаслик ҳеч бир фуқарони, агар у жиноят содир этган бўлса, жиноий жавобгарликдан озод этмайди.

Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлигига батамом зид бўлган, таҳдид солган бундай хатти-ҳаракатларга чек қўйиш лозимлиги ҳақида Ҳалимбой расман огоҳлантирилди.

Ҳалимбой ўз хатти-ҳаракатларидан етарли сабоқ чиқариб олган бўлсалар-ку, нур устига аъло нур, аммо яна мансаб, мартаба, шайтон васвасасига учраб, қилмишларини давом эттираверсалар, қонун олдида жавоб беришлари аниқ.

Ўз манфаатини эл-юрт манфаатидан устун қўйиб, ёшларимизнинг саодатли келажагига чанг солаётган, калтабин шахсларнинг шубҳали, гаразли хатти-ҳаракатларига, аввало, фарзандлари, яқинлари, улар қатори ота-оналар, маҳалла аҳли ҳам чек қўйишни ўйласалар, адашган бандасини гуноҳ йўллан, жиноят ботқоғидан ҳидоят роҳи покига бурсалар, айни муддао бўларди.

Олимжон АБДУРАҲМОНОВ,
журналист.

Таҳририятга хат

ҚАЛБ МАЛҲАМИ

Китоб—ўлмайдиган, энг ноёб бойлик, қимматли мерос. Бирон-бир мамлакатда маданий тараққиёт китобсиз рўй бермайди. Бу — исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

Яқин-яқинда Оҳангарон шаҳрининг ўзида учта ҳашаматли китоб дўкони бўлиб, уларнинг бир ойлик савдо тушумлари 456 минг сўмни ташкил қиларди.

Шунингдек, «Хонобод» кинотеатрида ҳар куни узлуксиз бир неча марта бадиий фильмлар кўрсатиларди. Бугун-чи?

— Оҳангарон шаҳри мустақиллик туфайли эркин ва тоза нафас ола бошлади, бу жуда яхши, — дейди меҳнат фахрийси Тошпўлат ака Ҳамроев. — Бироқ бозор иқтисодиётига ўтиш баҳонаси билан шаҳардаги ҳар учала китоб дўкони ҳам ёпиб қўйилди. Ҳозир Оҳангаронда биронта китоб ёки маданий моллар дўкони йўқ. Шаҳардаги ягона кинотеатрда бадиий фильмлар эмас, ҳамма вақт ур-сур, отишмаларни тарғиб қиладиган видеокассеталар намойиш қилинади.

Мен шу ҳақда шаҳар ҳокимиятида суҳбатлашган раҳбар (исми-шарифини эълон қилмаслигимни ўтиниб илтимос қилди) вазият китоб дўконларини ёпишни тақозо қилди, деб қолди?! Менимча, шаҳарни вазият эмас, ҳокимият бошқаради.

Яна бир мулоҳаза. Шаҳарнинг ўзида корхона ва мактаблардагидан ташқари бир неча кутубхоналар бўларди.

— Кўпдан бери янги китобларни сотиб ололмаймиз, — дейди шаҳардаги марказий кутубхонанинг ходимларидан бири. — Маблағ танқислиги бу соҳанинг ҳам бироз қисқаришига олиб келди.

Бошқа бир ҳурматли муаллимни суҳбатга тортаман.

— Мактаблардаги кутубхоналарда ҳам сўнгги йилларда чиққан янги китобларни топиш қийин, келтирилмайди... Тўғри, энди «уқиш учун ўқиш», эмас, балки «наф келтирса, фойдаси бўлса ўқиш керак», деган таомил пайдо бўлди. Лекин бу — китоб дўконларини ёпиш, кинотеатрларни фақат видеокассеталар қўйишга мослаштириш, кутубхоналарга йиллаб янги китоблар келтирилмасин, дегани эмас-ку?! Наҳотки, Оҳангарон шаҳар ҳокимлигининг маданият бўлими, савдо шахобчалари бунинг фарқига бормаса?!

Китоб—кўпчиликнинг кўнгил мулки, кишининг назарини тўқ қиладиган бойлик. Шунинг учун ҳам Қуръони Каримда «Бойлик—матонинг кўплигида эмас, назарнинг тўқлигида», деб бекорга лутф этилмаган.

— Шаҳардаги мана шу аҳволни кўриб қалбим оғрияпти, — дейди кекса китобхонлардан Аҳмирали Ҳидирбоев.

Бизнингча, Оҳангарон шаҳрида истиқомат қилувчи одамлар маънавияти учун зарур бўлган китоб дўконлари қайтадан иш бошлаши мақсадга мувофиқдир.

Қ. МЎМИНОВ.







Бу деҳқонлар шаънига энг самимий сўзларни айтсанг-да камлик қилади. Наманган туманидаги «Ижодкор» агрофирмаси ҳозирданоқ давлатга макка ва дон топшириш режаларини уддалади. 373 гектар ғаллазордан 1800 тонна сара дон йиғиштириб олинди. 273 гектар майдоннинг ҳосилдорлиги эса 53 центнерга етди.

420 гектардаги ғўза тўла гулга кирди, кўсак боғлади. «Фарғона-3», «Тошкент-6» навлари панд бермади. Насиб этса, агрофирмачилар ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш ниятида.

СУРАТЛАРДА: ***(чапдан) оилавий звено раҳбари Нилуфар Комилова; туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими мутахассиси Абдужаббор Обидов ва агрофирма раҳбари Раҳимжон Ғаффоров ғўзаларнинг ҳосилидан мамнун.***

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.

"ҒАЛЛА — 98"

Сурхондарё вилоятининг бирйўла уч тумани — Музработ, Қумқўрғон, Қизириқ туманлари ғаллакорлари маррага етди. Музработликлар 25 минг 310 тонна, қизириқликлар 20 минг 862 тонна, қумқўрғонликлар 18 минг 210 тонна сара дон топширдилар. Ўртача ҳосилдорлик 30 центнердан ортди. Ҳосилдан бўшаган ерлар пешмапеш ҳайдалиб, такрорий экинлар экилмоқда.

Чори ТЎХТАЕВ, ЎзА мухбири.

КИШЛОК МУЛКДОРЛАРИ

ЧЎЛДАН ЧИҚҚАН МИЛЛИОНЕР

Чўлга етиб келганимизда, ёз қуёши олов пуркар эди. Туман ҳокимининг муовини Илтифотхон опа Болтабоева бизни темир ишкомли кўркам дарвоза томон бошлади.

— Бу уйда миллионер опамиз Шаҳзода Мавлонова оиласи истиқомат қилади, — деди у. — Туманимизда ўтказилган «Энг намунали хонадон» кўрик-танловида ғолибликни эгаллади.

Опа гапини тугатишга улгурмай, ёнимизга бирин-кетин «Нексия», «Дамас», «Тико», «Жигули», «Форд» енгил автомобиллари келиб тўхтади. Улардан ўктам, алп қоматли йигитлар тушиб келишди.

— Опанинг ўғиллари, — таништирди ҳамроҳимиз.

Чўл одамлари ортиқча такаллуфни, мулозаматни кўпам хуш кўравермайди, мижғовланмайди ҳам. Чўлнинг қишли-қировли кунларидаги қаҳри қаттиқ изғиринлар, аёз, борлиқни тандирдек аёвсиз қиздирувчи жазирама, тўзимсиз шамоллар одамлар табиатини ўзгартирғандай.

Шаҳзода опа бизни шаҳарликларникидан қолишмайдиган ҳашаматли, нақшинкор уйга, гуллар барқ уриб очилиб ётган ҳовлига эмас, аксинча, чўл ичкарисида жойлашган деҳқон-фермер хўжалигига таклиф этди. Бунинг сабабини кейин билдик.

Катта йўл бўйида, дарахтлар бағрида жойлашган чорвачилик фермаси ўзининг ғўзаллиги, шинамлиги, саранжом-сарištaligи билан киши баҳри-дилини очади. Фермага кираверишдаги ҳовузда балиқлар патирлайди. Айнан шу ердаги ихчам сўрига кимхобу атлас кўрпачалар тўшалган, дастурхонда ўзимизнинг буғдой унидан ёпилган тандир нонидан ташқари косаларда сутқатиқ, қаймоқ. Ликопчаларда олмаю ўрик, шафтоли, памидор-бодринг.

— Ҳаммаси ўз томорқамизда етиштирилган, олинг, — иссиқ чой узатди Шаҳзода опа. Сўнг йўлнинг кунгай томонидаги пайкалларга ишора қилди:

— Ҳадемай ҳандалак, қовун у-тарвузга ҳам оғзимиз тегади.

Опанинг умри чўлда — қумбарханлар, янтоқзорлар, юлғунлар орасида ўтган.

— Ўшанга ҳам ўттиз йил бўлибди, — хаёлларга эрк беради опа. — Тўхтасин акангиз билан чўлга кўчиб келганимизда ўртада тўрт фарзандимиз бор эди. Қолган етти нафарини шу ерда топганмиз, нафақага чиққунга қадар ҳозирги «Оқ олтин» ширкатлар уюшмасида бригадирлик қилдим. Мана, яқин ўн йилдирки, фермерман.

Опа бор-йўғи саккиз бош қорамол билан иш бошлаган. Кейин ширкатлар уюшмасидан 15 минг сўм қарз олди. Бу пулга ўн бир бош сигир харид қилди. Йил ўтган сайин қарамоғидаги қорамоллар бош сони кўпая борди. Унга ўттиз гектар ер ажратиб берилди. Фермер ўз ёнига ўғиллари Тўлқинбой, Турсунбой, Дилшодбек, келини Холисхонни олиб, ўша ерга озуқа экинлари экди. Бундан ташқари, уч гектар ерни асрий қумликлардан юлиб олиб ўзлаштирди. Ва ўша майдонга қовун-тарвуз экди. Суяги пахтада қотган эмасми, беш гектар ерда ғўзанинг серҳосил, касалликка чидамли, эртапишар «Юлдуз» навини парваришлади.

— Фермерман деб кўкрак муштлаганлар қанча, — ҳикоя қилади ҳоким муовини. — Кўплари ҳали у, ҳали бу масалада ёрдам сўрашади, айримлари нолигани-нолиган. Шаҳзода опа бўлса аксинча. Ишига пишиқ, ҳисоб-китобни яхши билади. Тийинлардан сўмлар яратади. Опа раҳбар бўлган деҳқон-фермер хўжалигининг тобора ривожланаётганлигининг сабаби ҳам шунда. Ўтган йили бу кичик жамоа 54 тонна сут, 10 тонна гўшт топширди. Миллион сўм даромад қилди.

— Бундан ташқари, улар аҳолига икки тоннадан ортиқ чўл балиғи ҳам етказиб беришди, — суҳбатга қўшилди ширкатлар уюшмаси раҳбари Аҳмаджон Ўринбоев.

Чўлдан чиққан миллионер ўз хўжалигини ҳам энига, ҳам бўйига кенгайтирмоқда. 12 кишидан иборат жамоа бу йил 60 тонна сут, 15 тонна гўшт тайёрламоқчи. 70 бош қорамолнинг бир қисми боқувга қўйилган. Пўлатжон Содиқов, Қодиржон Жўраев сингари молбоқарлар маҳсулдорликни ошириш, ютуқларни кўпайтириш пайидан бўлмоқда.

Бугун опа тасарруфидаги далаларда бўлсангиз, экинлар ривожини кўриб кўнглингиз тоғдай кўтарилади. Беш гектардаги ғўза текис гуллади. Қовун-тарвузлар хамаклай бошлади. 15 гектар майдондаги маккажўхори бола қучоқлай деб турибди. Уч гектарни эгаллаган ўн минг туп терак ҳадемай қурилишбоп бўлади.

— Ишловчиларнинг кайфияти қалай? — сўраймиз опадан.

— Ойига ўрта ҳисобда уч мингдан иш ҳақи олишмоқда, — деди у. — Бундан ташқари, ҳар бир ишловчига 25 сотихдан томорқа ҳам берилган. Молбоқаримиз Пўлатжон ўтган йили ана шу ердан 1300 кг. гуруч олди. Қодиржон бўлса қовун-тарвуз экиб, 15 минг сўм даромад кўрди.

Ферма рўпарасида икки қаватли бино бу ерга келувчиларнинг диққатини ўзига тортади. Кимсасиз, ташландиқ бинонинг ташқи кўриниши кўнгилда ғашлик уйғотади. Опа дилимиздан кечган ана шу ҳолатларни сезди шекилли, ёрилди:

— Туман сув хўжалигига қарайди у. Қурилганига ўттиз йилдан ошди. Қаровсизликдан йил сайин нураб боряпти. Шу бинони бизга сотинглар, юқори қаватини ётоқхона, пасткисини ишхонага айлантирайлик, десам ҳеч кўнишмайди. Бундан кимга наф-у, кимга зиён?

— Ая, кўшни шийпонда концерт бўлади, тайёрланинглар деб айтувдингиз-ку? — ийманибгина мурожаат қилди Холисхон.

— Машина тайёр.

Опа бизни ҳам ўша тадбирга таклиф этди.

— Туман ҳокимлиги, ширкатлар уюшмаси менга ўхшаб умрини чўлда ўтказаётганлардан бир гуруҳини тўплаб, дастурхон ёзган. Йигирма етмишинчи йилларда туманимизга раҳбарлик қилган Таваккал ака Толиболдиевни ҳам таклиф этдик. Қани, кетдик.

Бир ўрим сочлари белларига чулғонган соғувчи қизлар опанинг сутга чайилгандай оппоқ «Дамас»ига чиқди. Машина Улуғвор тумани ичкарисига — чўл маркази томон елиб кетди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

4 июль — АҚШнинг Мустақиллик куни

Бугун ер юзида Американи билмайдиган одам камдан-кам топилади. Гарчанд Америка дегани бус-бутун икки қитъани эгаллаган, мазкур заминда талайгина йирик мамлакатлар жойлашган бўлса-да, ушбу ном тилга олинганда, одатда, Америка Қўшма Штатлари тушунилади. Негаки, АҚШ — икки материк мамлакатлари ичида энг тараққий этган, ягона Америка тимсоли бўла оладиган давлат. Унинг хоҳ иқтисодий-сиёсий, хоҳ ҳарбий, қолаверса, ижтимоий томондан равнақ топгани ҳақида гапиришга ҳожат йўқ. Шу боисдан бўлса керак, айни қўшма штатлик фуқароларга тегишли "Мен америкаликман" деган гап XX асрдаги машҳур иборалардан бирига айланди.

Тарихдан маълумки, 1776 йил январида АҚШда (Қўшма Штатлар бу даврда Бирлашган Колониялар деб юритиларди) "Соғлом фикр" памфлети эълон қилинди. Унинг муаллифи 1774 йили Англиядан Америкага келган Томас Пэйн эди. Муаллиф ўз асарида мавжуд монархия тизимини қаттиқ танқид қилиб, одамларни мустақиллик учун курашга чорлайди. Қўлма-қўл бўлиб кетган ушбу памфлет ўша давр жамиятидаги истиқлолга интилиш кайфиятини янада мустаҳкамлади. 1776 йил май ойида мамлакатнинг Англия ҳукмронлигидан ажралиб чиқиши тўғрисидаги резолюция қабул қилинди. Шу тариқа навбатдаги иш мустақиллик декларациясини расман қабул қилишга келиб тақалди. Таниқли сиёсий арбоб — Томас Жефферсон бошчилигида ўша йили мустақиллик декларацияси тайёрланди. 1776 йил 4 июлда қабул қилинган ушбу декларация фақат маъмурий янгиланиш эмасдир. Ушбу ҳужжат билан бирга, таъбир жоиз бўлса, Американинг янги авлоди ҳам тугилди.

Айни кунга келиб, АҚШ саноат жиҳатидан тараққий этган, техника, илм-фан юксак даражада ривож топган давлатга айланди. АҚШнинг бугунги даражага чиқишида XX асрнинг биринчи ярмида ўтказилган иқтисодий ислоҳотлар, мамлакатнинг табиий ресурслари, қулай коммуникация тармоғи каби соф иқтисодий омиллар асосий роль ўйнагани шубҳасиз. Мамлакат тараққиётида унинг нуктадон сиёсий арбоблари ҳам катта хизмат кўрсатган. Жаҳон аҳли Ж. Вашингтон, Т. Рузвелт, Ж. Кеннеди ва АҚШнинг кўплаб бошқа давлат арбобларини, улар қилган ишларни жуда яхши билади.

Мамлакат ташқи сиёсатида қайси йўналишларга асосий эътибор қаратилаётгани ҳақида гапиришга эҳтиёж йўқ. Шундай эса-да, Давлат котиби Мадлен Олбрайтнинг фикрларини эсга олсак. У котиблик фаолиятини бошлаганида АҚШ ташқи сиёсати ҳақида гапирар экан, дунёда демократия ва бозор иқтисодиёти тамойилларини асос қилиб олган давлатлар қанча кўп бўлса, америкаликлар учун шунча яхши, деган эди.

АҚШ XX1 асрга ҳам сонсиз ютуқлар, янгиликлар билан кириб бораётир. Мамлакат Президенти Билл Клинтон давлат раҳбари лавозимини иккинчи бор қабул қилаётиб, янги асрда биз янги Американи бунёд этамиз, дегани эътиборни тортади. Ўйлаб қаралса, бу шунчаки гап эмас. Кези келганда, Б. Клинтоннинг яна бир гапини айтиб ўтсак: янги асрда нафақат катталар, балки америкалик болалар ҳам Интернет тармоғида бемалол ишлаш имконига эга бўлиши керак. Аслида бу жуда катта режа, улкан меҳнат.

СЕҲРЛИ ДИЁР

Ўзбекистон ҳам жаҳоннинг бундай ривожланган мамлакати билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратаяпти. Ўзаро иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар кенг йўлга қўйилган. Бугунги кунда юртимизда "Ньюмонт Голд", "Кейс", "БАТ", машҳур "Кока-Кола", "Проктэр энд Гэмбл", "Каргил интерпрайзес", "Аиг трейдинг" каби кўплаб АҚШ фирма ва компаниялари самарали фаолият кўрсатаяпти. Улар билан қўшма корхоналар тузилган. Икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик равнақида тадбиркорларнинг алоҳида ўрни бўлади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1996 йил АҚШга ташрифи чоғида америкалик тадбиркорларга қарата айтган гаплари ёдимизда: "Сиз улкан иш қилмоқдасиз. Энг ишончли ҳаракат доимо икки томонлама бўлади. Биз ана шу манфаатдорлик асосида Америка капиталининг Ўзбекистонга оқиб келиши учун эшикларимизни кенг очаяпмиз. Бу Ўзбекистон ва Америка халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашга беқиёс имкониятлар яратади".

Ўзаро алоқалар таълим, соғлиқни сақлаш, инсон ҳуқуқлари борасида ҳам самарали бўлаяпти. Ҳар йили юзлаб ўзбекистонликлар АҚШнинг турли ўқув дастурлари бўйича мазкур мамлакатда ўқияпти.

Ўзбекистон-АҚШ икки томонлама комиссиясининг тузилгани ҳам муҳим иш бўлди. Унинг дастлабки мажлиси шу йил февралида АҚШда бўлиб ўтди. Комиссиянинг иш бошлашини Ўзбекистон Президенти ҳам, АҚШ раҳбари ҳам қизғин қутлади. Давлатимиз раҳбари икки томонлама комиссия фаолиятининг бошланишини давлатлараро муносабатларда мамлакатларимизнинг сифат жиҳатдан янги босқичга чиққанини кўрсатади, деб баҳолади.

Урни келганда айтиш керак, Америка билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга фақат биз ҳаракат қилаётганимиз йўқ. АҚШ ҳам Марказий Осиёнинг калити бўлмиш Ўзбекистонга ўзгача иштиёқ билан интилаётгани рост. Бунга далилу исботлар эса истаганча топилади.

Фарҳод АРЗИЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

«ЕВРО»-XXI АСР БЎСАҒАСИДА

Европа Иттифоқи салкам эллик йиллик тарихга эга. Аввалига олтита мамлакатни ўз ичига олган мазкур ҳамжамият эндиликда 15 та давлатни бирлаштирган. Умумевропа уйига кирувчи давлатлар аҳоли турмуш даражасининг юқорилиги, барча етакчи соҳалардаги юксак тараққиёти билан дунё мамлакатларини ҳайратга солиб келмоқда. Зеро, ушбу қитъанинг жануби ва шарқидаги мамлакатларнинг ҳамжамиятга интилаётгани бежиз эмас.

Шу кунларда эса мазкур ҳамжамият аъзолари эртанги кун — XXI асрни қандай кутиб олмоқчи? Ёдингизда бўлса, 1991 йилнинг декабрида машҳур Маастрихт шартномаси имзоланган, ҳамжамиятга аъзо мамлакатларнинг ягона бозори, ягона пул бирлиги — «Евро»ни жорий этиш, солиқ ва бож сиёсатини юргизиш назарда тутилганди. Битимда зикр этилган бандлар изчиллик билан рўёбга чиқмоқда. Бундан бир неча йиллар илгари «хаёлий орзу» деб ҳисобланган ягона пул бирлиги — «Евро»ни ташкил этиш ҳақиқатга айланаётир. Албатта, бундай тажриба ҳали курраи заминимизнинг бирорта минтақасида бўлмаганлиги боис, дунё халқларининг қизиқишига сабаб бўлмоқда.

Европа Иттифоқи комиссиясининг маълум қилишича, «Евро» 1999 йилнинг 1 январидан муомалага киритилиши режалаштирилган. XXI асрнинг бошларида эса иттифоқнинг пул бирлиги ягона тўлов воситаси сифатида мустаҳкам ўрин олиши кутилмоқда.

Шундай қилиб, 300 миллиондан ортиқ фуқарони ўз ичига олган минтақа Португалиядан то Грециягача, Швециядан то Италияга қадар ўз миллий валютаси — эскудо, франк, писет, лира, драхма, фунту марка билан абадий хайрлашиши эҳтимоли вақт сайин ҳақиқатга яқинлашмоқда. Бу пул бирликлари тарихий қийматга эга сифатида мамлакатлар музейларини безаб турса ажаб эмас.

Аслида ягона иқтисодий валюта иттифоқи гояси бундан ўттиз йилча аввал пайдо бўлганди. 1969 йилда Европа Иқтисодий Иттифоқига аъзо давлатлар раҳбарларининг Гаагадаги йиғинида Люксембург Бош вазири Пьер Бернернинг бу тўғридаги таклифини кўпчилик маъқуллади. 1972 йилда мазкур ҳамжамият аъзоларининг навбатдаги учрашувида бу гоя кун тартибига кўтарилди. 1980 йилни ушбу ягона пул бирлиги тўғрисидаги лойиҳани жорий этиш муддати этиб белгиланди. Аммо 1975-1976 йилларда дунё иқтисодиётидаги инқироз лойиҳанинг жорий этиш муддатини янада ортга суриб юборди. 90-йиллар бошида имзоланган қатъий битим, сўнгра 1996 йилнинг декабрида Европа Иттифоқи аъзоларининг Дублендаги «саммити»да бу масалада узил-кесил бир тўхтамга келинди.

Маастрихт шартномасида ягона иқтисодий валюта иттифоқи ташкил этиш баробарида унга кириш талаб ва ўлчовлари ҳам ишлаб чиқилган. Хусусан, «Евро» га кириш истагини билдирган мамлакатда пулнинг қадрсизланиш даражаси 1,5 фоиз, бюджет камомади ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоизи, давлат қарзи эса ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 60 фоизидан ошмаслиги лозим. Албатта, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг барчаси ҳам бундай иқтисодий тамойилга тайёр эмас. Ўтган йили 12 мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичлари ана шу ўлчовга мос келган бўлса, ҳозирда Грециядан бошқа барчасида мазкур ўлчов доғи бола қучоқлай деб турибди. Ва ўша майдонга қовун-тарвуз экди. Суяги пахтада қотган эмасми, беш гектар ерда ғўзанинг серҳосил, касалликка чидамли, эртапишар «Юлдуз» навини парваришлади.

Табиий савол туғилади: Европада ягона валюта тизими — «Евро»ни жорий этишга эҳтиёж бормикан? Маълум бўлишича, европалик ишбилармонлар фақаттина ҳамжамият доирасида валютани бир давлатдан иккинчисига ўтказишда кўплаб муаммоларга тўқнашар экан. Ахир, мамлакатлардаги пул бирлиги ҳар хил, қолаверса, уларнинг қадри ўзгариб туради. Баъзи тахминларга кўра, корхоналар валюта алмаштириш операциялари туфайли йилига 20 миллиард ЭКЮ миқдорида ортиқча харажат қиларкан. «Евро» эса бунга тамомила чек қўяди. Молиявий муаммолар ўз ечимини топади. Бунинг устига, ягона валютанинг муомалага киритилиши бир ярим миллион кишини иш билан таъминлаш имконини берар экан.

Шуни ҳам айтиш керакки, айни пайтда мутахассислар «Евро»нинг муомалага киритилиши жаҳонда АҚШ доллари билан бемалол рақобатлашадиган, унинг «панжасига панжа» урадиган валюта бўлишини тахмин қилишмоқда. Албатта, бу гапда жон бор. Европа Итифоқига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг шу йилнинг май ойидаги учрашуви ҳам бунга туртки беради. Учрашувда 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб иттифоқдаги 11 давлат — Австрия, Бельгия, Германия, Голландия, Италия, Испания, Ирландия, Люксембург, Португалия, Франция, Финляндия миллий валюта билан расман «Евро» майдонга чиқишига келишиб олинди. Бироқ Буюк Британия, Дания ва Швеция иқтисодий кўрсаткичлари Маастрихт шартномасида қўйилган ўлчов ва талабларга мувофиқ келса-да, шошилмай туришибди.

Нима бўлганда ҳам дунё янги ўзгаришлар бўсағасида. «Евро»нинг қандай каромат кўрсатишини тахмин қилмайлик-да, уни вақт ихтиёрига қўйиб берайлик. Унинг ҳақиқий баҳосини шубҳасиз XXI аср белгилайди.

А. ХОЛМУРОДОВ.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ТБИЛИСИ. *Европа Иттифоқи ТАСИС дастури доирасида 1998-1999 йиллар мобайнида Грузияга техникавий ёрдам кўрсатиш учун 16 миллион ЭКЮ ажратди.*

ПАРИЖ. *Жорий йил 2-4 сентябрь кунлари Франция Президенти Жак Ширак расмий ташриф билан Украинага келади.*

БОННҲ. *Германия ҳукумати зилзила оқибатларини тугатиш учун Туркиянинг Адана вилоятига 2 миллион немис маркаси миқдорида бегараз молиявий ёрдам ажратди.*

«ХАЛҚ СЎЗИ» ФУҚАРОЛАР ХИЗМАТИДА

ЯНА ГАЗ ВА СУВ ҲАҚИДА

Хоразм вилоятининг Гурлан тумани хўжаликларидаги хонадонларни табиий газ билан таъминлашда тез-тез узилишларга йўл қўйилмоқда. Бунинг устига, электр қуввати гоҳ бўлади, гоҳ бўлмай қолади. Водопроводдан сув келиши ҳам худди шундай. Аҳолининг бу борадаги талабларига хўжалик раҳбарлари томонидан жиддий эътибор берилмаётир. Айниқса, «Вазир» жамоа хўжалигида аҳвол ночор.

Отаназар МАШАРИПОВ.

АҲВОЛ ЯХШИЛАНМОҚДА

Мазкур хат ўрганиб чиқилди. Унда кўтарилган муаммолар ечими ҳақида қуйидагиларни маълум қиламиз:

Туман аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш ҳақиқатан ҳам ҳозирги кунда талабга жавоб бермайди. Бу муаммони ҳал этиш учун Туямўйин водоводининг иккинчи босқичи қурилиши олиб бориляпти. Водоводдан сувни тортиб олиш учун насос ўрнатилди. «Вазир» жамоа хўжалигига ичимлик суви етказиб бериш ҳам яхшиланмоқда.

«Урганчтрансгаз» вилоят ишлаб чиқариш бошқармаси Гурлан тумани учун зарур бўлган газ ҳажмини етказиб бера олмади. 1998 йил январь, февраль ва март ойларида аҳолининг табиий газга бўлган тўловлари қайта ҳисобланмоқда. Ҳозирги кунда табиий газ етишмовчилиги йўқ. Янгидан юқори босимли Шовот-Гурлан газ қувури ишга туширилди.

Р. ҚЎЧҚОРОВ, Гурлан тумани ҳокими.

ҚЎШМА РЕЙД

АКЦИЗ МАРКАЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ, АММО...

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотилаётган тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларда, албатта, акциз маркаси бўлиши шарт. Агар бунга риоя қилинмаса, биринчидан, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тамаки маҳсулотларига ва спиртли ичимликларга акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисида»ги ва 1998 йил 21 майдаги «Алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат монополиясини кучайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алкоголли ва тамаки маҳсулотларини сотишдан бюджетга тушумни кўпайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига зид равишда қонунбузарлик ҳолатлари содир этилади, иккинчидан, бундай маҳсулотларни сотиш оғир фалокатларга сабаб бўлиши мумкин. Чунки акциз маркасисиз сотилаётган спиртлик ичимликларнинг аксарият қисми хонадонларда сифати жиҳатдан давлат стандарти талабларига жавоб бермайдиган хомашёлардан тайёрланмоқда. Улар киши соғлигига зарар келтириши аниқ. Фикримизнинг далили сифатида мисолларга мурожаат этайлик.

Яқинда пойтахт бозорларида, савдо шохобчалари ва дўконларда, кўчалар ва хонадонларда Тошкент шаҳар Давлат солиқ бош бошқармаси ва «Халқ сўзи» газетаси иштирокида ўтказилган текширувлар натижасида акциз маркасисиз сотилаётган 55607 қути тамаки маҳсулотлари, 8151 шиша спиртли ичимликлар, 810 литр спирт хомашёси, жами 6 миллион сўмлик ноқонуний маҳсулотлар мусодара этилди. Бундан ташқари, хонадонларда катта миқдорда қалбаки спиртли ичимликлар тайёрланаётгани аниқланди.

Яккасарой туманидаги Юсуф Ҳамадоний кўчаси, 3-уйда истиқомат қилувчи Т. Дадамуҳамедова юрагида ўти бор «тадбиркорлар»дан бири экан. Ўзбекистон Республикаси қонунларини писанд этмасдан, ҳеч нарсадан тап тортмай, ҳатто маҳалла-куй назаридан ҳам уялмай, бу аёл ўз хонадонида спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш цехини очиб, бемалол фаолият кўрсатиб, «мўмай» даромад топиш пайига тушган эди. Бироқ бизни кўрган заҳотиёқ хонадон эгалари учун сичқоннинг ини мингтанга бўлди. Чунки, ишонасизми-йўқми, уй кўздан кечирилганда, салкам бир тонна спирт хомашёси, 1498 дона шишадаги қалбаки спиртли ичимлик, жами қиймати 1 миллион 200 минг сўмлик яроқсиз маҳсулот топилди. Бу маҳсулотлар ва уларни тайёрлашга мўлжалланган махсус асбоб-ускуналару анжомларнинг ҳаммаси мусодара қилинди.

Шу кўчадаги 7-уйда яшовчи Ж. Мирзаев ҳам қинғирликда ҳамсоясидан қолишмайдиган устаси фаранг бўлиб чиқди. Унинг хонадонида ярим миллион сўмлик қалбаки ясалган спиртли ичимликлар, 10 минг дона «Ўзбекистон» арағонинг этикеткаси, 7,5 минг дона бурама ва катта миқдорда «Тошкент виноси»га мўлжалланган қопқоқлар яшириб қўйилгани аниқланди. Ж. Мирзаев хонадонига қўшни 6-уйда ҳам шунча миқдорда акциз маркасисиз спиртли ичимликлар тайёрлаб қўйилгани ҳақидаги далиллар ҳужжатлаштирилди.

Ўйлаб қоласан киши: бир кўчада уч хонадан қонунбузарликка қўл урса-ю, бундан нахотки маҳалла фаоллари хабардор бўлмасалар? Улар кимга ишондилар, ким бу ишга ҳомийлик қилди? Бу саволларга суд, прокуратура органлари яқин кунларда жавоб топадилар, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси қонунларини оёқости қилишга уринган юқоридаги хонадон соҳибларига нисбатан, албатта, жиноий чоралар кўрилади. Аммо бу жиноий ҳаракатларнинг олдини олиш мумкин эдику? Мана энди уларнинг болачақалари тақдири нима бўлади? Шу кунгача кўзларини «юмиб» келган маҳалладошлар қонунбузарларнинг оилаларига ёрдам қўлини чўзармикинлар? Аммо бир нарса аниқ: улар томонидан ишлаб чиқарилган акциз маркасисиз спиртли ичимликлар неча минглаб оилаларга кулфат келтиргани ёлғиз Аллоҳга маълум.

Донолар айтадиларки, бугун сен алдаган бўлсанг, эртага сени алдайдилар. Наҳотки, шундай ҳаромхўрлар орамизда яшасалар-у, бунга биз лоқайдлик билан қараб тураверсак? Йўқ, бунга асло йўл қўйиб бўлмайди!

Бундай ачинарли ҳолатлар, афсуски, дўконлар, барлар, тунги савдо шохобчалари, бозорларда ҳам учраб турибди. Афтидан, ҳали бозор маъмурлари спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларининг акциз маркасисиз сотилишини бартараф қилишга шошилмаётган кўринадилар. Далилми?

Фуқаро Э.Жўраев «Паркент» бозорида ҳужжатсиз, акциз маркаси йўқ 600 қути тамаки маҳсулотини бемалол, очиқчасига сотаётганда ушланди. Акмал Икромов туманидаги 30-мавзеда жойлашган «Тошнурия» фирмасига қарашли дўкон сотувчиси Х.Эрмуҳаммедовдан эса акциз маркасисиз ҳалкам 1,5 миллион сўмлик спиртли ичимликлар мусодара этилди. Буни қандай изоҳлаш керак?

Энди Ҳамза туманидаги Кадишев кўчаси, 28-уйда жойлашган «Тэдэум» хусусий фирмасига қарашли «Сталкер» дискоклубидаги «ҳангома»ни эшитинг. Текширув натижасида бу ерда Д. Гусев, И. Ли, В. Цой ва кассир В. Недбайло томонидан 20 минг сўмга яқин пул назорат касса машинасидан ўтказилмаганлиги, 3 минг сўмдан зиёд камомадга йўл қўйилгани, моддий жавобгар шахс А. Осмонов эса қарийб 6 минг сўмлик ортиқча мол, 275 шиша ноқонуний спиртли ичимликлари яширинча сотаётганлиги аниқланди.

Сифати кафолатланмаган, акциз маркасисиз спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари осмондан тушмаяпти. Уларнинг бир қисми, юқорида айтилганидек, хонадонларда яширинча ишлаб чиқарилаётган бўлса, бошқа бир қисми республикамиз ташқарисидан келтирилаётир. Буни била-кўра туриб, уларнинг республикамиз бозорларида савдо қилиниши билан асло муроса қилиб бўлмайди. Қонунбузарлик ҳолатини содир этган шахсларга тегишли чоралар кўрилмоқда. Масалан, Миробод туманидаги Кунаев кўчасида савдо-сотиқ билан шуғулланаётган фуқаро П.нинг 54310 сўмлик акциз маркасисиз тамаки маҳсулотлари мусодара этилиб, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Терговда тасдиқланган материалларга биноан, туман суди бу фуқарога 45 минг сўм жарима белгилаб, уни 3 йил давомида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этди.

Шу тумандаги «Кашгар-Юфо» фирмасига қарашли дўкон мудири Ф. эса 30,5 минг сўмлик акциз маркасисиз спиртлик ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини сотишга рухсат бергани учун, туман суди қарорига кўра, 75 минг сўм жарима тўлади. Шу билан бирга, у энди бир йил муддатгача савдо билан шуғуллана олмайди.

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бош бошқармаси, унинг туманлардаги солиқ инспекциялари бозорлар ва гўзарларда акциз маркасисиз тамаки маҳсулотлари ҳамда спиртли ичимликлар сотилишига барҳам бериш мақсадида бундан буён ҳам мунтазам равишда текширувлар ўтказишни режалаштирган. Айтмоқчимизки, юқорида келтирилган нохуш ҳолатлар рўй бермаслиги учун, тадбиркор фуқаролар ҳам, ноқонуний савдога қўл уриб, «мўмай» даромад топиш йўлига кирган шахслар ҳам ўз хатти-ҳаракатларига яна бир карра баҳо бериб, дўппини олиб қўйган ҳолда ўйлаб кўрсинлар. Чунки ноқонуний савдо қилиш эртами-кечми фош этилади ва тегишли чора кўрилиши муқаррар.

Донолар «Ҳалол меҳнат — жонга роҳат», деб бекорга айтмаганлар. Шу пурҳикмат сўзнинг маъзини чаққанлар асло ютқазмайдилар.

М. ҲАМИДОВ, Тошкент шаҳар Давлат солиқ бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари. Т. МИРЗАЕВ, Бош бошқарма матбуот хизматининг ходими. А. ҲОТАМОВ, И. ЎТБОСАРОВ, «Халқ сўзи» газетасининг мухбирлари.

Таълим тизими фидойилари

СИРЛАРИ КЎП, СИНОВЛАРИ КЎП

Ойимхол Алимардонова Бойсун туманидаги 2-мактабда ўқувчиларга «Одобнома» фанидан дарс беради. Унинг ўтган йили турмуш ўртоғи Қодир Назаров билан биргаликда 10-синф ўқувчилари учун яратган «Ҳаёт ва турмуш одоби» қўлланмаси республика Таълим маркази тавсиясига кўра, «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида чоп этилди. Муаллима билан суҳбатимиз ҳам қўлланманинг яратилиш тарихи, фарзанд тарбияси, кексаларга ҳурмат, ўғил-қизларни дўстлик, аҳилликка ундовчи тушунчалар аҳамияти хусусида бўлди.

— Ойимхол опа, сизда дарслик яратиш истаги қачон пайдо бўлган эди?

— Одатдаги шўъба йиғилишларидан бирида туман мактабларидан ташриф буюрган ўқитувчилар: «Нега «Одобнома» фанидан бирорта дарслик ёки қўлланма чиқмаган?», дея куйиниб гапиришди. Шунда мен беихтиёр: «Мазкур фан бўйича қўлланма яратишга ҳаракат қилиб кўраман?» деб юборибман. Айтилган сўз — отилган ўқ. Уйга келиб турмуш ўртоғим билан маслаҳатлашдик. Ҳали бундай масъулиятли ишга қўл уриб кўрмаган киши бироз ҳадиксирар экан.

Ёзганларимизни тажрибали муаллимлар ўқиб чиқишиб, маъқуллаганларидан кейин таваккал дея республика Халқ таълими вазирлигига олиб келдик. Бу ерда вазир ўринбосари Муртазо Султонов қўлёзма билан танишиб, ижобий баҳо берди. Шу тариқа «Ҳаёт ва турмуш одоби» номли қўлланмамиз вазирлик илмий кенгаши тасдиғидан ўтиб, китоб ҳолида нашр қилинди. Бир сўз билан айтганда, камтарона меҳнатимиз зое кетмаганидан ҳурсандмиз.

—Буюк аллома Абу Носир Форобий: "Дарахтнинг етуклиги унинг меваси билан бўлганидек, инсоннинг барча хислатлари ҳам ахлоқ билан ўлчанади", деган эди. Назаримда, бу иқтибос мазкур қўлланманинг мазмун-мундарижасини белгилайди. Алалхусус, муаллимлар машғулотлар жараёнида яна қандай қўшимча манбаларга таянганлари маъқул, деб ўйлайсиз?

— Халқимизнинг бой ва қадимий миллий урф-одатлари, ахлоқ ва одоб қоидаларини ёшлар онгига сингдириш барчамизнинг бурчимиздир. Шу боис биз қўлланмада катталарга ҳурмат, кичикларга меҳр-шафқат, меҳмондўстлик, кексаларга жой бериш, қўлга сув қуйиш, сочиқ тутиш, бошига кулфат тушган хонадон аъзоларидан кўнгил сўраш, беморларни бориб кўриш сингари ноёб урф-одатларимизга, миллий ахлоқ-одоб қоидаларига алоҳида аҳамият бердик. Шунингдек, бирор мавзуда дарс ўтиш жараёнида муаллимларимиз тарбиявий аҳамиятга эга бўлган Қуръон оятлари, ахлоқ-одобга оид Ҳадис намуналари, Имом ал-Бухорий, Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Ҳусайн Воиз Кошифий, Сайф уз-Зафар Навбаҳорий, Абу Исо Термизий, Имом Али Ибн Мусо ар-Ризо, Ризоуддин Ибн Фахриддин, Саъдий Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий, Умар Хайём ҳамда Абдулла Авлоний асарларига, ахлоқ-одобга оид замонавий рисолаларга, матбуот материалларига таянишларини маслаҳат берардим.

— Китобда ёшларни дўстликка, аҳилликка ундовчи тушунчалар баёнида ҳам Ҳадис, ҳикоят ва ривоятлардан кенг фойдаланилибди?

— Тўғри, ҳикматлар поклик ва ҳалоллик манбаи, ҳадислар маънавият булоғи эканлигига алоҳида урғу берилди. Бундан ташқари, эртак, масал ва достонлар ҳам ундан ўрин олган. Биродарлик ҳақида сўз борганда халқ достонларида тасвирланган баҳодирлар ўртасидаги самимий ва беғараз дўстликни эслаш ўринли. Достонлар мазмунига чуқурроқ кириб борган сайин бу каби ғоялар бежиз тараннум этилмаганлигига амин бўласиз. Қадриятлар, анъаналарни ўғил-қизлар онгига фақат шу йўл билан сингдириш бирмунча осонлигини ҳис этасиз.

Қўлланмада Алпомиш билан Қоражон, Барчиной билан Қалдирғоч ўртасидаги қадрдонлик, Гўрўғлининг Авазхон, Ҳасанхон билан ота-бола тутиниши, қирқ йигит билан дўстлашуви қисман тилга олинди. Энди ўқитувчи бу ёғига ўз билимлари асосида машғулотларни қизиқарли тарзда ўтса, ўқувчилар дарсни жон қулоғи билан тинглашлари ва улардан ибрат олишлари шубҳасиз. Негаки, ҳар бир ўқувчи комилликка эришсам, эзгу ишлар қилсам, деган эзгу хаёллар билан яшайди. Дарс эса бу борада уларга тўғри йўналишлар беради. Жонли машғулотлар ана шу жиҳатлари билан муҳимдир.

— Режа ва истакларингиз хусусида ҳам тўхталсангиз?

— «Ҳаёт ва турмуш одоби» китобида ўндан зиёд муҳим мавзулар атрофлича ёритилди. Келгусида 11-синфлар учун ҳам шу мавзуда дарслик яратиш ниятимиз бор. Кези келганда, бойсунлик ижодкор ўқитувчилар Равшан Аҳроров, Нормурод Қурбонов, шундай қийин бир шароитда ўз ҳисобидан мактаб қурган ҳимматли ўқитувчи, 53-мактаб директори Рамазон Абдуллаевларни ҳам тилга олиш ўринли, деб ўйлайман. Улар туманимиз халқ таълимининг фахри саналадилар. Юртимизда ижодкор ва фидойи муаллимлар қанча кўп бўлса, мактаб ва халқ таълимида ўзгаришлар, янгиликлар ортаверади.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ суҳбатлашди.

ТОШКЕНТ — ПАРИЖ АВИАҚАТНОВИ ОЧИЛДИ

30 июнь куни Франция пойтахти Парижнинг Шарль де Голь аэропортига «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси белгиси туширилган А-310 самолёти келиб қўнди.

Шундай қилиб, Тошкент — Париж шаҳарлари ўртасида самолёт мунтазам равишда қатнайдиган ҳаво йўналиши очилди.

Бундай ҳаво алоқа йўлининг йўлга қўйилиши республикамиз авиацияси ҳаётида кўпдан кутилган муҳим воқеа эди. Чунки бу икки мамлакат қадимий ҳамкорлик алоқаларига эга. Ўзбекистон ва Франция халқларининг ўзаро бир-бирига қизиқиши узоқ тарихлидир. Бундай ўзаро муносабатлар Буюк Ипак йўли даврларидан бошланган. Бобокалонимиз Амир Темур даврида икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кенг ривож топди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бу тарихий алоқалар янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги ҳамкорликнинг барқ уриб, равнақ топишида, айниқса, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 1993 ва 1996 йилларда Францияга қилган расмий сафарлари, бу мамлакат раҳбарлари билан юксак доирадаги учрашувлари улкан аҳамиятга эга бўлди.

Тошкент — Париж авиақатновининг бошланиши мамлакатларимиз ўртасидаги ана шу ҳамкорлик муносабатларини янада фаоллаштиришга хизмат қилади.

НУ-239 авиақатнови ҳафтада бир марта, ҳар сешанба куни Оврупонинг йирик авиация ўзанларидан бири бўлган Германиянинг Майн бўйидаги Франкфурт шаҳри орқали амалга оширилади.

Бу ҳозирча Марказий Осиё минтақасини Франция пойтахти билан боғлайдиган ягона ҳаво йўли қатновидир. Мазкур йўналишда Франциянинг Тулуза шаҳрида йиғиб тайёрланган А-310 русумли самолёт қатнайди. Бу самолёт энг замонавий ҳаво кемаларидан бири бўлиб, иқтисодий тежамкорлиги, чидамлилигидан ташқари, йўловчилар учун кўпгина қулайликларга эгалиги билан ажралиб туради. Самолёт 10 километрдан юқори баландликда текис парвоз қилади, унинг салонлари кенг, баҳаво, телекўрсатувлар тизими ўрнатилган, йўловчиларга хизмат аъло даражада йўлга қўйилган.

Янги ҳаво йўли қатновини биринчи бошлаб берган йўловчиларни Шарль де Голь аэропортида қарсаклар билан олқишлаб кутиб олишди. Уларга гулдасталар тақдим қилинди. Самолётда келганлар орасида Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жан Клод Ришар жаноблари ҳам бор эди.

Янги авиақатнов тақдимоти маросимида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниси бош директорининг ўринбосари Б.В. Беседин нутқ сўзлаб, мазкур янги авиайўналиш очилишини навқирон ва шиддат билан ривож топаётган Ўзбекистон авиакомпанияси тарихида муҳим воқеа, деб баҳолади.

Маросимда сўзлаган Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ж. К. Ришар, Ўзбекистоннинг Франциядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Т. Мамажонов ва бошқалар бугундан бошлаб Тошкент ва Париж шаҳарлари янада яқинлашганлигини, бу авиақатнов икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, тадбиркорлик ва сайёҳлик алоқаларини кенг кўламда ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

М. САФАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Тошкент — Париж — Тошкент.

ХОРАЗМ СПОРТИНИНГ ШУҲРАТИ ҚАЧОН ТИКЛАНАДИ?

Хоразм воҳасининг ўтмиши жисмоний тарбия ва спорт билан ҳам машҳур бўлганлигини тасдиқловчи далиллар кўп.

Хўш, жаҳонга Паҳлавон Маҳмуд, Жалолиддин Мангуберди сингари тарихий баҳодирларни берган Хоразм воҳасининг жисмоний тарбия ва спортдаги бугунги ҳаёти буюк аждодлар анъанаси, барҳаётлигини ифодалайдими?

Воҳа ўйингоҳларини, спортга ихтисослашган масканларини, меҳнат ва ўқув жамоаларини айланар эканмиз, шу долзарб саволга жавоб изладик.

... Хива тумани қишлоқларида 11 та кўркам ўйингоҳ барпо этилган.

Айниқса, Рўзимат Мадаминов номли жамоа хўжалигида кўпчилик шинавандалар мини-футболга ихлос қўйишган. Саёт қишлоғида тузилган команда тезда Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг энг кучли жамоаси сифатида танилди. Ҳозир туман ҳудудида 3 та спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Боксчилар Ғайрат Маткаримов, Рустам Худойназаров, оғир атлетикачилардан Улуғбек Маҳмудов, Ҳамид Нурматов, Руслан Саидов, Қудрат Матчонов, курашчилар Ибодулла Абдуллаев, Рустам Раҳмонов, Отабой Рўзиматов, Рафкат Шахмаевларнинг номлари бугунги кунда нафақат Хоразм воҳасида, балки бутун мамлакатимиз бўйлаб донг таратган.

Хивада спорт равнақи учун маблағ ҳам, куч-восита, имкониятлар ҳам изланб топилаётган бир пайтда ушбу тумандан бор-йўғи 15-20 чақирим узоқ масофада жойлашган Янгиариқдаги манзарадан кишининг таъби хира тортади. Бу ерда туман марказидаги хароба ўйингоҳдан бўлак биронта ҳам майдон йўқ. Нари-бери ва номига уюштирилаётган мусобақалар мактабларга қарашли спорт майдонларида ўтказилади. Туман вакилларидан бир неча кишининг республика беллашувларида қатнашганини айтмаса, кейинги йилларда Янгиариқдан довруқли спортчилар етишиб чиққанини ҳеч ким эслай олмайди. Тумандаги «Хоразм» мактабининг жисмоний тарбия ўқитувчиси Хушнуд Бобожоновнинг таъкидлашича, мусобақаларнинг кўнгилдагидек ўтиши ҳомийлар ҳиммати-гагина қараб қолган. Ўзгалардан мадад кутиш бефойда. Туман жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Ражаббой Матёқубов тажрибали мутахассислардан. Бироқ маблағ масаласида унинг тажрибаси ҳам иш бермаяпти. Биз туман ўйингоҳига кириб бордик. Қордай оппоқ туз-тупроқ майдон сатҳинигина эмас, балки бетон пойдеворли ўриндиқларни ҳам емириб, тамом қилган. Шарти кетиб, парти қолган бетон пойдевор устидаги ёғоч ўриндиқларнинг ҳаммаси жойидан кўчириб олинган. Мусобақа майдонига сув чиқариш амримаҳол. Шу сабаб майдон бўйлаб яшил чимгилам қопламасини ҳосил қилиш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Р.Матёқубовнинг айтишича, туман футбол командаси ўтган йили вилоят чемпионати мусобақаларини биринчи даврадаёқ «якунлаб» қўя қолган.

Гурлан туманида барпо этилган 15 минг кишилик ўйингоҳ ўз ҳусни-таровати билан ҳар қандай кишининг ҳам эътиборини тортади. Бу ерда катта «томоша»нинг гувоҳи бўлдик. Ўйингоҳнинг бир четига уланиб кетган чала-ярим ташландиқ қишки спорт мажмуаси қурилиши саҳнида 200 чоғли одам тўпланган. Ўртада эса хўрозларнинг аёвсиз жанги давом этарди. Улкан ўйингоҳ эса ҳувиллаб ётибди. Инсон қадами етмаганидан ён-атрофлар тиканли янтоқлар масканига айланибди. Ўтўланлар шу қадар кўпки, ҳатто асфальт қопламаси ҳам илма-тешик ҳолига келган. Шундай кўркам ўйингоҳни қуришга қуриб, пировардида қаровсиз қолдиришганига тушунолмайсан, киши.

Муҳими, юқоридаги туманларда номигагина бўлсада ўйингоҳлар мавжуд. Бироқ воҳанинг Ҳазорасп туманида ўйингоҳ атагулик бирон-бир жўяли маскан қишлоқлар тугул марказда ҳам йўқлиги спортга эътиборнинг қай даражада эканлигини рўй-рост ифода этади.

Боғот туманидаги И.Дўсов номли жамоа хўжалигининг 12 минг кишилик ўйингоҳи Хоразмдаги илк спорт иншооти ҳисобланади. Ҳозирда у воҳанинг мамлакат олий табақасидаги «Хоразм» футбол клубининг ўқув-машқ базаси ҳисобланади. Аммо таажжубланарли жойи шундаки, орадан ўнлаб йиллар ўтса ҳамки, мазкур тумандаги хўжаликларнинг деярли ҳеч бирида шунга монанд ўйингоҳ бунёд этилмади. Далилларга қараганда, бу йил мамлакат чемпионати биринчи табақаси жамоалари сафига қўшилган «Урганч» футбол клуби ҳам ўзгалар майдонига кўз тикаётган жамоалар қаторидан ўрин олган. Биринчилик учрашувларини улар вилоят марказидаги «Олимпия» спорт мажмуаси ва «Хонқа» ўйингоҳида ўтказяптилар.

Воҳанинг Шовот туманида эса кўрганнинг кўзини «ўйнатадиган» салобатли ўйингоҳ бунёд этилган. Бироқ мусобақалар ва эришилаётган натижалар, афсуски, унинг кўрки-таровати-га муносиб эмас. Нуфузли спорт анжуманларида туманнинг номи тобора кам тилга олинаётгани жиддий тадбир ва эътиборни талаб этади. Хоразм вилоятида жисмоний тарбия ва спорт масаласи тобора сусайиб бораётган бир пайтда вилоят спорт қўмитасида ишловчилар сони бу йилдан эътиборан 3 кишига тушиб қолган. Хулоса — спортнинг бутун оғирлигини ана шу 3 кишининг елкасига ортиш спортга нисбатан эътиборсизликнинг нишонаси ҳисобланади. Вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Д.Ражабов ва унинг ўринбосари С.Асқаровнинг айтишига қараганда, шу кунларда воҳа меҳнат жамоаларида 56 нафар спорт йўриқчиси маош олиб ишлаяпти. Бироқ уларни астойдил тер тўкиб ишлаяпти дейишса, ҳеч ким ишонмаслиги турган гап. Биз спорт йўриқчилари вазифаси жорий этилган жамоаларда ҳам бўлиб, одамлардан ана шу йўриқчилар фаолияти ҳақида сўрадик. Афсуски, аҳолининг кўпчилиги уларнинг кимлигини ҳам билмас экан.

Вилоятда қай бир раҳбарга рўпара келманг, бари спорт ва спортчилар ҳақида оғзидан бол томиб гапиради. Аммо амалий ишлар ва натижаларга келганда баҳонавозликка зўр беришади. Биргина мисол: чорак аср муқаддам не-не маблағлар, меҳнату машаққатлар эвазига вужудга келтирилган вилоят от спорти мактаби ҳозирга келиб буткул барбод бўлди. Ўзга юртлардан таклиф этилган от спорти усталари, малакали йўриқчи ва муаллимлар турли сансоларлик, хўжасизлик, кўзбўямачилик, эътиборсизлик иллатларидан зада бўлиб вилоятни тарк этиб кетишди. Ҳар бири камида битта автомашинанинг нархига сотиб олинган ғоят ноёб ва қимматбаҳо отлар эса қаровсизликдан нобуд бўлди. Вилоят спорт қўмитаси раҳбарлари ўтган йили вилоят ҳокими муовини Т.Дўстжоновга барбод бўлган чавандозлик мактабини қайта тиклаш таклифлари баён этилган мактуб билан мурожаат қилишган. Орадан анча сувлар оқиб ўтса-да, тўрт банддан иборат мазкур талабноманинг биронта ҳам банди, шунингдек, вилоят ҳокимининг от спорти равнақига оид қарорида кўзда тутилган тадбирлар бажарилмади.

Воҳа вакиллари биринчи республика ўсмирлар ўйинлари дастуридан ўрин олган 10 хил спорт мусобақасининг биронтасида ҳам қатнаша олмадилар. Хоразмликларнинг ўтган йили юнон-рим кураши бўйича республикада 11, волейбол, енгил атлетика, шахмат бўйича 12, стол тенниси бўйича 13-ўрин билан кифояланишгани ўз ўрнида воҳада спортга эътибор ва талабнинг йўқлигидан далолат беради. Урганчдаги «Олимпия» ўйингоҳи республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 декабрдаги қарорига биноан, ўтган йилнинг 3-чорагида хусусийлаштирилмоғи ва ҳиссадорлик жамиятига айлантирилмоғи зарур эди. Бироқ ҳаммаси қоғозда қолиб кетди.

Истиқлол айёми бугунга келиб бутун мамлакатимиз бўйлаб спорт бобидаги олийжаноб ниятларнинг рўёбига ҳам хизмат қилаяпти. Ўтган йиллар мамлакатимиз терма жамоалари сафида хоразмлик спортчилардан нари борса 10 га яқини қатнашган бўлса, бу йил уларнинг сони 20 дан ошди. Кўплаб мусобақаларда энг юқори ўринларга даъвогарлик қилдилар. Лекин ҳали булар етарли эмас. Юқорида тилга олинган далиллар, танқидий фикр ва мулоҳазалар воҳа спортининг оғриқли нуқталарини эслатиб туради. Зеро, Хоразм каби экологик носоғлом минтақа учун спорт ва жисмоний тарбия сув билан ҳаводек зарур.

Абдулла СОБИРОВ.



"УЛАР ГЕРМАНИЯДА ЎҚИГАН ЭДИЛАР"

Республика Киночилар уйида ёзувчи Хайриддин Султонов сценарийси асосида тасмага туширилган "Улар Германияда ўқиган эдилар" ҳужжатли фильм премьераси бўлиб ўтди.

Янги фильмда йигирманчи йилларда Ўзбекистондан Европа мамлакатларига ўқишга юборилган ўзбек йигит-қизларининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилинган. Уларнинг кўпчилиги юртга қайтгач, мустабид шўро тузуми томонидан маҳв этилган, турли азоб-уқубатларга дучор этилган эди.

Асарни яратишда архив материаллари, тарихий ҳужжатлар ва суратлардан, хорижлик мутахассис-олимлар, фильм қаҳрамонларининг қариндош-уруғлари хотираларидан кенг фойдаланилган.

"Ўзкинохроника" студияси маҳсулоти бўлган бу фильмга Шуҳрат Маҳмудов режиссёрлик қилган.

М. ОДИЛОВА (ЎзА)



Ҳар нарса мўъжиза,
ҳар нарса ҳайрат,
Икки хил гўзаллик,
иккита санъат.
Шунчалар шоҳ
асар яратиб қўйиб,
Изоҳ сўраб турар
Она-табиат.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ сурат-лавҳаси.

«КАРТОНСАНОАТСАВДО» ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ:

3 ва 5 қатламли гофрокартондан тайёрланган қутилар	Ҳар хил мақсадлар учун, турли ҳажмларда, рангли босмада ва рангсиз босмада тайёрланган, жумладан, тўпламлари билан.
Гофрокартонлар	
Картон ва қоғозлар	қадоқлаш ва ўраш учун
Гофрокартондан тайёрланган лотоклар	Озиқ-овқат маҳсулотлари, мева ва сабзавотлар учун рангли босмада тайёрланган
Муқовалашга ишлатиладиган картон қоғозлар	
Толали плиталар (ДВП)	Мебель саноати ва алоҳида қурилишлар учун
Картон ва гофрокартондан тайёрланган турли хил буюмлар	Халқ истеъмоли буюмлари учун
Босма шакллар (клише)	Картонга, гофрокартонга ва қадоқлаш материалларига флексографик усулда босма босиш учун.

Етказиб бериш тартиби: олдиндан ҳақ тўлаш йўли билан, вагонлаб жўнатиш, ўз транспортида ёки буюртмани бажарувчининг транспорти ёрдамида.

Манзил: 702500, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Гулбоғ посёлкаси.
Маркетинг бўлими телефони: (37166) 34452;
Телетайп: 166648 Картон; Телефакс: (37166) 26251, 22420;

717

ОАО "ТашОР"
("Тошкент тажриба ремонт-механика заводи")

ўзаро манфаатли шартларда агросаноат мажмуи хўжаликлари, ташкилот ва корхоналардан ишлатилган эҳтиёт қисмлар, агрегатлар, А-01М ва А-41 двигателларининг қайта тиклаш ва таъмирлашга яроқли йиғув қисмларини сотиб олади.
Тўлов шакли - пул ўтказиш йўли билан.
Таъмирлаш фондини топширган хўжалик ва корхоналар дизель двигателларини имтиёзли асосда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Манзилимиз: 700147, Тошкент ш., А. Каримов к., 5.

Тел: (3712) 90-40-29, 90-52-65.
Факс: (3712) 90-52-67.

606

Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси жамоаси қўмита раиси Абдушукур Абдухалилович Хоназаровга ўғиллари **ШЕРЗОДЖОН**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Дўстлик жамиятлари кенгаши котибияти Ўзбекистон Республикаси давлат ўрмон қўмитаси раиси, «Ўзбекистон-Туркманистон» дўстлик жамиятининг раиси А. А. Хоназаровга ўғли **ШЕРЗОДЖОН**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви ва «Маҳалла» газетаси таҳририяти жамоалари Қўқон шаҳар «Исфара гузари» маҳалласининг оқсоқоли, таниқли тадбиркор, истеъдодли драманавис **Нурилло ҳожи АБДУЛЛАЕВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, ёр-биродарларига ҳамдардлик билдиради.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;
Иқтисодиёт 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги 136-37-85
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Руйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0173, 34565 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Н. Мусомов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 00.00* 1 2 3 4 5 6